



**ЎЗБЕКИСТОННИНГ  
ЯНГИ ҚОНУНЛАРИ**

**НОВЫЕ ЗАКОНЫ  
УЗБЕКИСТАНА**

**22**

“АДОЛАТ”

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ  
ЯНГИ ҚОНУНЛАРИ**

**НОВЫЕ ЗАКОНЫ  
УЗБЕКИСТАНА**

**22**

Тошкент  
«Адолат»  
2000

Ўзбекистоннинг янги қонунилари (нашр учун масъул: Ҳ. Т. Одилқориев, М. М. Мирсамадов). Т.: Адолат, 2000. — 680 б.

Сарл. олдида: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.

БКК 67.99,5У) — 3

Нашр учун масъул: **Ҳ. Т. ОДИЛҚОРИЕВ.,  
М. М. МИРСАМАДОВ**

**NAMANGAN DAVLAT  
UNIVERSITETI  
Axborot-resurs markazi**

1182

Ў  $\frac{1203020000 - 006}{(04) - 2000}$  2000

© «Адолат», 2000.

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ҚОНУНЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлисининг I чақириқ XV-сессиясида  
қабул қилинган қонун ва қарорлар*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ САЙЛОВ  
ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР  
КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ**

**1999 йил 19 август**

**Қ О Н У Н И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 206-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р  
қ и л а д и:**

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 34-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда):

1) 26-моддасининг биринчи ва иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи у ёки бу шахсни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун қолганда бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш муддати тугагунига қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

Рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод уни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ўз фаолиятини тўхтатган тақдирда ҳам Марказий сайлов комиссияси томонидан ўз мақомидан маҳрум этилиши мумкин»;

2) **28-моддаси иккинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади».

II. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 1, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда):

1) **25-моддаси иккинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Депутатликка номзодларга ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади»;

2) **29-моддасининг биринчи ва иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи, сайловчилар ташаббускор гуруҳи у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун қолганда бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи депутатликка номзодлар кўрсатиш муддати тугагунига қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

Рўйхатга олинган депутатликка номзодлар уларни Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ўз фаолиятини тўхтатган тақдирда ҳам

Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин»;

3) 44-моддаси биринчи қисмининг «в» банди «такрорий сайловлар ўтказилади» деган сўзлар билан тўлдирилсин, «г» банди эса чиқариб ташлансин;

4) 46-моддасининг учинчи қисми чиқариб ташлансин.

III. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 125-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда):

1) 25-моддаси иккинчи қисмининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Депутатликка номзодларга ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади»;

2) 28-моддасининг биринчи ва иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сиёсий партия, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, сайловчилар ташаббускор гуруҳи у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кеч билан беш кун қолганда бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс тегишли вилоят, туман ёки шаҳар сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партия, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи депутатликка номзодлар кўрсатиш муддати тугагунга қадар тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

Рўйхатга олинган депутатликка номзодлар уларни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ўз фаолиятини тўхтатган тақдирда ҳам тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин»;

3) 43-моддаси биринчи қисмининг «в» банди «такро-

рий сайловлар ўтказилади» деган сўзлар билан тўлдирилсин, «г» банди эса чиқариб ташлансин;

4) 45-моддасининг учинчи қисми чиқариб ташлансин.

IV. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5—6, 95-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда):

1) 2-моддасининг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, мустақиллик, адолатлиликдан иборат»;

2) 4-моддасининг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказий сайлов комиссияси аъзосининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда Олий Мажлис томонидан бевожита ёки уни аъзоликка тавсия этган органнинг тақдимномаси бўйича тўхтатилиши мумкин;

у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ёзма ариза берган тақдирда;

у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда;

унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;

у ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармай келган тақдирда. Марказий сайлов комиссияси аъзосининг ваколатлари Олий Мажлис сессиялари оралиғидаги даврда Олий Мажлис Кенгаши томонидан, қабул қилинган қарорни кейинчалик Олий Мажлис тасдиқлаши шарти билан, тўхтатилиши мумкин».

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. ҚАРИМОВ



**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING САЙЛОВ  
ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА  
ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ  
ХУСУСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ МАЖЛИСИНING**

**1999 йил 19 август**

**Қ А Р О Р И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 207-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р  
қ и л а д и:**

1. «Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган пайдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўз қарорларини «Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ**

**1999 йил 19 август**

**Қ О Н У Н И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 208-модда)**

**1-м о д д а. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонун баҳолаш фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

**2-м о д д а. Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-м о д д а. Баҳолаш фаолияти тушунчаси**

Баҳолаш фаолияти деганда баҳоловчининг (юримдик ёки жисмоний шахсининг) баҳолаш объекти қийматини аниқлашга қаратилган фаолияти тушунилади.

**4-м о д д а. Баҳолаш фаолиятини лицензиялаш**

Баҳолаш фаолияти лицензия асосида амалга оширилади.

Баҳолаш фаолиятини лицензиялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Баҳолаш фаолияти учун лицензия берган орган баҳоловчилар баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари устидан назоратни амалга оширади.

## 5-м о д д а. Баҳолаш объектлари

Баҳолаш объектлари жумласига қуйидагилар киради:

алоҳида моддий объектлар (ашёлар);

шахснинг мол-мулкани ташкил этувчи ашёлар мажмуи, шу жумладан муайян турдаги (кўчар ёки кўчмас) мол-мулк;

мол-мулкка ёки мол-мулк таркибидаги айрим ашёларга бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар; талаб қилиш ҳуқуқлари, мажбуриятлар (қарзлар); ишлар, хизматлар, ахборот;

интеллектуал мулк объектлари ва қонун ҳужжатларида фуқаролик муомаласида бўлиши мумкинлиги белгиланган бошқа фуқаролик ҳуқуқлари объектлари.

## 6-м о д д а. Баҳолаш объекти қийматининг турлари

Баҳолаш мақсадларига қараб баҳолаш объекти хусусида бозор қиймати ёки бозорниқидан фарқланувчи қиймат қўйилади.

Баҳолаш объекти қиймати турларининг қўлланиш соҳаси ва уларнинг фарқланувчи хусусиятлари баҳолаш стандартлари билан белгиланади.

Баҳолаш объектини баҳолаш пул шаклида амалга оширилади.

## 7-м о д д а. Баҳолаш объектининг бозор қиймати

Баҳолаш объектининг бозор қиймати деганда энг эҳтимол тутилган нархи тушунилиб, унга кўра мазкур баҳолаш объекти очик бозорда рақобат шароитида, битимнинг тарафлари барча зарур ахборотга эга бўлган ҳолда ўз манфаатлари йўлида оқилона ва ихтиёрий равишда ҳаракат қилади, битим нархининг баланд-пастигида эса бирон-бир фавқулодда ҳолатлар, шу жумладан тарафлардан бирининг ушбу битимга қўшилиш мажбурияти акс этмайди.

Агар бирон-бир баҳолаш объектини баҳолашдан мажбурий ўтказиш талаби мавжуд бўлган норматив ҳужжатда ёки баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисидаги шартномада (матнда бундан буён шартнома деб юритилади) қийматнинг аниқ тури кўрсатилган бўлмаса, мазкур объектининг бозор қиймати белгиланиши лозим.

Мазкур қоида норматив ҳужжатда баҳолаш объекти қийматининг турини аниқловчи, ушбу Қонунда ёки баҳолаш стандартларида назарда тутилмаган атамалардан фойдаланилган тақдирда ҳам қўлланилиши керак.

### **8-м о д д а. Баҳолаш объектининг бозорниқидан фарқланувчи қиймати**

Баҳолаш объектининг бозорниқидан фарқланувчи қиймати деганда мазкур баҳолаш объектини баҳолаш ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилганидан фарқли шартларда ўтказилган энг эҳтимол тутилган баҳо тушунилади.

### **9-м о д д а. Баҳолаш стандартлари**

Баҳолаш стандартлари ўзаро боғлиқ норма ва қоидалар мажмуидан иборат бўлиб, улар қуйидагиларни белгилайди:

баҳолаш тушунчалари ва принципларини;

баҳолаш фаолиятида қўлланиладиган атамалар ва таърифлари;

қиймат турларига қўйиладиган талабларни;

бошланғич ахборотга қўйиладиган талабларни;

баҳолашни ўтказиш тартибини;

баҳолаш усулларини қўлланиш хусусиятларини;

баҳолаш натижаларини расмийлаштиришга қўйиладиган талабларни;

бошқа талабларни.

Баҳолаш стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, уларга қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда амалга оширилади.

### **10-м о д д а. Баҳолашни ўтказиш ва унинг натижаларидан фойдаланиш ҳуқуқи**

Баҳолашни ўтказиш ҳуқуқи мутлақ ҳуқуқдир.

Баҳолаш объектларини баҳолаш ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Баҳолашни ўтказиш натижаларидан баҳолаш объекти ўз баъосида турган шахслар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот маълумотларига тузатиш киритиш учун фойдаланишлари мумкин.

## 11-м о д д а. Баҳолашни ўтказишнинг мажбурийлиги

Баҳолашни ўтказиш давлатга тўла ёки қисман қарашли баҳолаш объектлари битим тузишга жалб этилган тақдирда, шу жумладан:

баҳолаш объектларини давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, ишончли бошқарувга топшириш ёки ижарага бериш мақсадида уларнинг қиймати аниқланаётганда;

баҳолаш объектларидан гаров нарсаси сифатида фойдаланилаётганда;

баҳолаш объектлари сотилаётганда ёки ўзга шахсга бошқача тарзда ўтказилаётганда;

баҳолаш объектлари билан боғлиқ қарз мажбуриятларидан бошқанинг фойдасига воз кечилаётганда;

баҳолаш объектлари юридик шахсларнинг устав фондларига улуш тариқасида берилаётганда мажбурийдир.

Баҳолашни ўтказиш баҳолаш объектининг қиймати тўғрисида низо чиққан тақдирда ҳам, шу жумладан:

мол-мулк национализация қилинаётганда;

ипотека кредити берилаётганда;

тарафлардан бирининг талабига биноан эр-хотиннинг мол-мулки бўлинаётганда;

мол-мулк мулкдорлардан давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинаётганда ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқача тарзда олиб қўйилаётганда;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри тўлашиши устидан назорат ўтказилаётганда мажбурийдир.

Ушбу модданинг амал қилиши давлат унитар корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўртасида уларга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи билан биркитиб қўйилган мол-мулкни тасарруф этишда келиб чиқадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

## 12-м о д д а. Баҳолашни ўтказиш асослари

Баҳоловчи ва у кўрсатаётган хизматларнинг истё-молчиси (буюртмачи) ўртасидаги шартнома баҳолашни ўтказиш учун асосдир.

Баҳолаш объектини баҳолаш, шу жумладан қайта баҳолаш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, суд ажрими асосида ўтказилиши мумкин.

### 13-м о д д а. Шартномага оид мажбурий талаблар

Баҳоловчи ва буюртмачи ўртасидаги шартнома ёзма равишда қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилади.

Шартнома қуйидагиларни ўз ичига олган бўлиши лозим:

баҳолаш объектининг номи;

баҳолаш ўтказишдан мақсад;

баҳолаш объектининг аниқланадиган қиймати тури;

баҳолашни ўтказганлик учун пул мукофотининг суммаси.

Шартномага баҳоловчида баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун бериладиган лицензия борлиги тўғрисидаги маълумотлар лицензиянинг тартиб рақами ва лицензия берилган сана, уни берган орган, шунингдек мазкур лицензия қайси муддатга берилганлиги кўрсатилган ҳолда мажбурий равишда киритилади.

Баҳолашни ўтказганлик учун пул мукофотининг миқдори шартномада белгилаб қўйилади ва у баҳолаш объекти қийматининг баланд-пастлигига боғлиқ бўлиши мумкин эмас.

### 14-м о д д а. Баҳоловчининг ҳуқуқлари

Баҳоловчи:

баҳолаш усулларини мустақил равишда қўллашга;

баҳолаш объектини мажбурий баҳолашдан ўтказишда ҳужжатлардан фойдаланиш эркинлигини таъминлашни буюртмачидан талаб қилишга, ушбу баҳолашни амалга ошириш учун зарур бўлган тушунтиришлар ва қўшимча маълумотлар олишга;

баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни учинчи шахслардан талаб қилиб олишга. Мазкур ахборотни беришни рад этиш баҳоловчининг ишончлилигига жиддий таъсир этадиган ҳолларда, баҳоловчи бунга баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда (матнда бундан буён ҳисобот деб юритилади) кўрсатиб ўтади;

баҳолашни ўтказишда иштирок этишга заруриятга қараб шартнома асосида бошқа баҳоловчилар ёки ўзги мутахассисларни жалб этишга;

буюртмачи шартнома шартларини бузган, баҳолаш объекти ҳақида зарур ахборот тақдим этилишини ёки

шартномага мувофиқ иш шароитларини таъминламаган ҳолларда, баҳолашни ўтказишни рад этишга ҳақли.

Баҳоловчи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### 15-м о д д а. Баҳоловчининг мажбуриятлари

Баҳоловчи:

баҳолаш фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатлари ва баҳолаш стандартлари талабларига риоя этиши;

хотисона баҳолашни ўтказишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар юзага келганлиги оқибатида баҳолашни ўтказишда ўзининг иштирок этиш имконияти йўқлиги тўғрисида буюртмачига хабар қилиши;

баҳолаш ўтказилаётган пайтда олинаётган ҳужжатлар сақланишини таъминлаши;

баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензияни буюртмачининг талабига биноан тақдим этиши;

баҳолаш ўтказилаётган пайтда буюртмачидан олинган махфий ахборотни ошкор этмаслиги, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

ҳисоботнинг нусхасини уч йил мобайнида сақлаши шарт.

Баҳоловчи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши мумкин.

### 16-м о д д а. Баҳоловчининг мустақиллиги

Баҳоловчининг фаолиятига буюртмачи ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг аралашувига йўл қўйилмайди.

Қўйдаги ҳолларда баҳолашни ўтказишга йўл қўйилмайди, агар:

буюртмачи баҳоловчининг мулкдори, муассиси (акциядори), кредитори, суғурталовчиси бўлса;

баҳоловчи буюртмачи-юримдик шахснинг буюртмачиси ёки муассиси (акциядори) ёхуд мансабдор шахси бўлса;

баҳоловчи юримдик шахснинг мулкдори, муассиси (акциядори), мансабдор шахси ёки баҳолаш объектида мулкий манфаати бўлган жисмоний шахс бўлса ёхуд шундай манфаати бор шахслар билан яқин қариндош ёки қуда-анда бўлса;

баҳоловчи шартномадан ташқари буюртмачига ёки баҳолаш объектига нисбатан ашёвий ёки мажбуриятга оид ҳуқуқларга эга бўлса.

## 17-модда. Ҳисобот мазмунига оид умумий талаблар

Ҳисоботда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:  
ҳисобот тузилган сана ва унинг тартиб (рўйхатга олинганлик) рақами;

баҳоловчининг баҳолашни ўтказиши учун асос;

баҳоловчининг манзили ва баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун унга берилган лицензия тўғрисидаги маълумотлар;

баҳолаш объектининг уни баҳолаш санасидагига айнан тенглаштириш имконини берадиган аниқ тавсифи, юридик шахсга қарашли баҳолаш объектига нисбатан эса — юридик шахснинг реквизитлари;

баҳолаш объекти қийматининг тегишли турини аниқлаш учун баҳолаш стандартлари, улардан фойдаланиш учун асос, баҳолашни ўтказишда фойдаланилган маълумотлар уларнинг олинган манбаларини, шунингдек бунда тахмин деб олинганларини ҳам кўрсатган ҳолда;

баҳолаш объекти қийматини аниқлаш изчиллиги ва унинг якуний миқдори, шунингдек олинган натижани қўлланишдаги чекловлар ва чегаралар;

баҳолаш объекти қийматини аниқлаш санаси (баҳолаш санаси);

баҳоловчи фойдаланадиган ҳамда баҳолаш объектининг миқдор ва сифат хусусиятларини белгилайдиган ҳужжатлар рўйхати.

Ҳисобот баҳолаш объекти қийматини ҳисоблашнинг унда қўлланилган усулини тўла акс эттириш учун керакли бошқа маълумотларни ҳам ўз ичига олган бўлиши мумкин.

Агар баҳолашни ўтказиш пайтида бозорникидан фарқланувчи қиймат аниқланаётган бўлса, ҳисоботда баҳони белгилаш мезонлари ва баҳолаш объектининг бозор қийматини аниқлаш имкониятидан четга чиқиш сабаблари кўрсатилиши лозим.

Баҳолаш объектларининг айрим турларини баҳолашдан ўтказиш учун қонун ҳужжатларида ҳисоботларнинг махсус шакллари назарда тутилиши мумкин.



Ҳисоботга баҳоловчи имзо чекади, ушн ўз муҳри билан тасдиқлайди ва буюртмачига топширади.

Ҳисобот ҳар хил шарҳлашга йўл қўймаслиги ёки чалгитмаслиги лозим.

### 18-м о д д а. Ҳисоботнинг ишончлилиги

Ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда тузилган ҳисобот ишончли деб тан олинади.

Баҳолаш объектнинг ҳисоботда кўрсатилган қиймати, агар қонун ҳужжатлари ёки суд қарори билан бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, баҳолаш объекти хусусида битим тузиш мақсади учун тавсия хусусиятига эга бўлади.

### 19-м о д д а. Баҳоловчининг жавобгарлиги

Буюртмачининг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар ёхуд зиён етказган тарзда ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, шунингдек баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузганлиги учун баҳоловчи қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

### 20-м о д д а. Баҳоловчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш

Баҳоловчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.


### 21-м о д д а. Баҳоловчиларнинг касбий бирлашмалари

Баҳоловчилар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ва ифодалаш мақсадида касбий жамоат бирлашмалари ва нотижорат асосда фаолият олиб борадиган бошқа ташкилотларга (уюшмалар, иттифоқларга) бирлашишга ҳақлидир.

### 22-м о д д а. Низоларни ҳал этиш

Баҳолаш фаолияти амалга оширилаётганда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда ҳал этилади.

Ўзбекистон



И. ҚАРИМОВ

**«БАҲОЛАШ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИҲИ АМАЛГА  
КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

**1999 йил 19 август**

**Қ А Р О Р И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 209-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р  
қ и л а д и:

1. «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар ўзларининг мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

**ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ВА ПСИХОТРОП  
МОДДАЛАР ТЎҒРИСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ**

**1999 йил 19 август**

**Қ О Н У Н И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 210-модда)**

**1-м о д д а. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонун гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлишига оид ижтимоий муносабатларни тартибга солиди ҳамда уларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига монелик қилиш, фуқаролар соғлиғини сақлаш ҳамда давлат хавфсизлигини таъминлашни мақсад қилиб қўяди.

**2-м о д д а. Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-м о д д а. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**гиёҳвандлик (наркотик) воситалари** — гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик

ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар;

**психотроп моддалар** — психотроп моддалар рўйхати-га киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар;

**прекурсорлар** — прекурсорлар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тайёрлаш учун фойдаланиладиган моддалар;

**гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари** — кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга ўхшаш, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этувчи, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар;

**препарат** — моддаларнинг ҳар қандай физик ҳолатдаги, таркибида битта ёки бир нечта гиёҳвандлик воситалари ёхуд психотроп моддалар бўлган аралашмаси;

**гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши** — гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш (олиб чиқиш), транзит тарзида ўтказиш, сақлаш, бериш, реализация қилиш, тақсимлаш, олиш, ташвиш, жўнатиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш;

**гиёҳвандлик (наркомания)** — гиёҳвандлик воситаларига руҳий-жисмоний қарамлик билан боғлиқ касаллик;

**заҳарвандлик (токсикомания)** — психотроп моддаларга, шунингдек дорилик хусусиятига эга бўлмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий, гиёҳвандлик воситаларга ўхшаш руҳиятга фаол таъсир этувчи моддаларга руҳий-жисмоний қарамлик билан боғлиқ касаллик.

#### 4-модда. **Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар**

Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар қуйидаги рўйхатларга киритилади:

**Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида таққиланган гиёҳвандлик воситалари рўйхати (бундан буён матида I рўйхат деб юритилади);**

**Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган гиёҳвандлик воситалари рўйхати (бундан буён матида II рўйхат деб юритилади);**

**Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган психотроп моддалар рўйхати (бундан буён матида III рўйхат деб юритилади);**

**Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган прекурсорлар рўйхати (бундан буён матида IV рўйхат деб юритилади).**

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади ва матбуотда эълон қилинади.

## **II. ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ, ПСИХОТРОП МОДДАЛАР ВА ПРЕКУРСОРЛАРНИНГ МУОМАЛАДА БУЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ФАОЛИЯТ**

**5-модда. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши**

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлишига ушбу Қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар аналогларининг муомалада бўлиши тақиқланади.

**6-модда. Гиёҳвандлик воситаларининг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятнинг асосий турларига бўлган давлат монополияси**

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситаларининг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятнинг асосий турлари; гиёҳвандлик воситаларини олиб кириш (олиб чиқиш), тақсимлаш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, йўқ қилиш, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш давлат монополияси ҳисобланади.

**7-модда. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш**

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилagan тартибда бериладиган лицензия асосида амалга оширилади.

**8-модда. Лицензия беришни рад этиш асослари**

Қуйидагилар лицензия беришни рад этиш учун асос бўлади:

қонун ҳужжатлари талабларига номувофиқ ҳужжатлар тақдим этилганлиги;

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятнинг хавфсизлигини таъминлаш учун шароитлар йўқлиги;

сурункали руҳий касалликлар, гиёҳвандлик, заҳарвандлик, алкоголизм туфайли диспансер ҳисобида турувчи ва хизмат вазифаси тақозосига кўра гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан ишлашга алоқадор ходимлар мавжудлиги;

қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган ва хизмат вазифаси тақозосига кўра гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан ишлашга алоқадор ходимлар мавжудлиги;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шартлар мавжудлиги.

**9-модда. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш, бекор қилиш**

Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда олти ойгача бўлган муддатга тўхтатиб қўйилиши мумкин: юридик шахс томондан лицензия олишда ишончсиз маълумотлар тақдим этилганлиги аниқланганда;

рухсат этилган фаолият турини амалга ошириш қои-

даларига роя этишдаги мажбуриятлар лицензия эгаси томонидан бажарилмаганда.

Лицензиянинг амал қилиши қўйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

лицензия эгаси томонидан лицензияда белгиланган фаолият турига роя этилмаганида;

лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб қўйилишига олиб келган сабаблар белгиланган муддатда бартараф этилмаганда;

рухсат этилган фаолият турини амалга ошириш қондаларига роя этишдаги мажбуриятлар лицензия эгаси томонидан бир йил мобайнида такроран бажарилмаганда;

юрidik шахс фаолияти тугатилганда.

Лицензиянинг амал қилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам тўхтатиб қўйилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

### **III. ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ, ПСИХОТРОП МОДДАЛАР ВА ПРЕКУРСОРЛАРНИНГ МУОМАЛАДА БЎЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ФАОЛИЯТНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРТЛАРИ**

**10-модда. Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга бўлган эҳтиёжлари**

Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга бўлган эҳтиёжлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий этилган тартибда белгиланади.

**11-модда. Айрим гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг муомалада бўлишини чеклаш**

I рўйхатга киритилган гиёҳвандлик воситаларининг муомалада бўлишига йўл қўйилмайди, ушбу Қонуннинг 27—29-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

II ва III рўйхатга киритилган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг муомалада бўлишига шифокор кўрсатмаси бўйича тиббий мақсадларда, шунингдек ушбу Қонуннинг 26—29-моддариди назарда тутилган мақсадларда йўл қўйилади.

**12-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш (олиб чиқиш) хусусиятлари**

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб киришга (олиб чиқишга) лицензия, шунингдек олиб кириш (олиб чиқиш) ҳуқуқи тўғрисида гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш бўйича махсус ваколатли орган (бундан буён матнда махсус ваколатли орган деб юритилади) томонидан бериладиган сертификат бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни махсус ваколатли орган рухсатисиз Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказиш тақиқланади.

Ушбу моддада белгиланган талаблар бузилган тақдирда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар қонун ҳужжатларига мувофиқ мусодара этилади.

**13-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш**

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш махсус ажратилган ва жиҳозланган жойларда, махсус ваколатли орган белгилаган тартибда, юридик шахслар томонидан, мазкур фаолият тури учун лицензияси бўлган тақдирда амалга оширилади.

**14-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни бериш, реализация қилиш ва тақсимлаш**

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни бериш, реализация қилиш ва тақсимлаш махсус ваколатли орган белгилаган тартибда, юридик шахслар томонидан, мазкур фаолият турлари учун лицензиялари бўлган тақдирда амалга оширилади.

**15-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиш**

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, реализация қи-



лиш, фойдаланиш учун, шу жумладан тиббий ва бошқа мақсадларда олиш юридик шахслар томонидан, мазкур фаолият турлари учун лицензиялари бўлган тақдирда амалга оширилади.

**16-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ташиш**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ташиш махсус ваколатли орган белгилаган тартибда, юридик шахслар томонидан, мазкур фаолият тури учун лицензияси бўлган тақдирда амалга оширилади.

**17-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни жўнатиш**

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни почта жўнатмаларида, шу жумладан халқаро почта жўнатмаларида жўнатиш тақиқланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**18-м о д д а. Янги гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқиш ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш**

Янги гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқиш фақат давлат эҳтиёжлари учун буюртмага мувофиқ амалга оширилади ва бу иш давлат илмий-тадқиқот муассасаларига мазкур фаолият тури учун лицензияси бўлган тақдирда топширилади.

Тиббий мақсадларда фойдаланиладиган янги гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**19-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ишлаб чиқариш ва тайёрлаш**

И рўйхатга киритилган гиёҳвандлик воситаларини ушбу Қонунда белгиланган мақсадларда ишлаб чиқариш ва тайёрлаш Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжлари

доирасида давлат корхоналари ва муассасалари томонидан, муайян гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун лицензиялари бўлган тақдирда амалга оширилади.

III рўйхатга киритилган психотроп моддаларни ушбу Қонунда белгиланган мақсадларда ишлаб чиқариш ва тайёрлаш махсус ваколатли орган қарорига мувофиқ юридик шахслар томонидан, муайян психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун лицензиялари бўлган тақдирда амалга оширилади.

IV рўйхатга киритилган прекурсорларни ушбу Қонунда белгиланган мақсадларда ишлаб чиқариш ва тайёрлаш Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжлари доирасида давлат корхоналари ва муассасалари томонидан, муайян прекурсорларни ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун лицензиялари бўлган тақдирда амалга оширилади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ишлаб чиқариш ва тайёрлашни амалга оширувчи юридик шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилади.

#### **20-модда. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни идишга жойлаш-ўраш ва уларга белги қўйиш**

Тиббий мақсадларда фойдаланиладиган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни идишга жойлаш-ўраш ва уларга белги қўйиш қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлиши шарт.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг сиртки ўрови мазкур ўров бутлигини бузмай туриб уларни олиш имкониятини истисно этиши шарт.

Тиббий мақсадларда фойдаланиладиган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ички ўрови иккита қизил чизик билан белгиланган бўлиши шарт.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ўрови ва уларга белги қўйиш ушбу модда талабларига мувофиқ бўлмаган ҳолларда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар белгиланган тартибда йўқ қилиб ташланади.

#### **21-модда. Таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш**

Таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган, I рўйхатга киритилган ўсимликларни етиштириш учун рухсат мах-

сус ваколатли орган белгилаган тартибда, давлат корхоналарига илмий мақсадларда мазкур фаолият тури учун лицензияси бўлган тақдирда берилади.

## **22-м о д д а. Прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият хусусиятлари**

Юридик шахслар IV рўйхатга киритилган прекурсорларни ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиш учун мазкур фаолият тури учун лицензияси бўлган тақдирда, йиллик ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан кўп бўлмаган миқдорда олишлари мумкин ва олинган ёки буюртма берилган прекурсор миқдори ушбу эҳтиёжлардан ошиб кетган ҳар бир ҳолат тўғрисида махсус ваколатли органни хабардор қилишлари шарт.

IV рўйхатга киритилган прекурсорларнинг муомалада бўлишини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш тартиби махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

## **23-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилиш**

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

уларнинг яроқлилиқ муддати тугаганда;

гиёҳвандлик воситаси, психотроп модда ёки прекурсор улардан фойдаланиш имкониятини истисно этувчи кимёвий ёки физик таъсирга учраганда;

беморлар вафотидан сўнг уларнинг қариндошларидан фойдаланилмай қолган восита ёки модда тариқасида қабул қилинганда;

уларнинг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки прекурсорларга мансублигини аниқлашнинг имкони бўлмаганда.

Таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликлар ўсаётган ер участкаларининг мулкдорлари, эгалари ёки фойдаланувчилари бўлмиш юридик ва жисмоний шахслар бу ўсимликларни йўқ қилиб ташлашга мажбур. Бундан бош тортилган тақдирда мазкур ўсимликлар уларнинг ҳисобидан йўқ этилади.

#### **IV. ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ, ПСИХОТРОП МОДДАЛАР ВА ПРЕКУРСОРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**24-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан тиббий мақсадларда фойдаланиш**

II, III ва IV рўйхатларга киритилган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан тиббий мақсадларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда фойдаланилиши мумкин.

Тиббий мақсадларда фойдаланиш учун рухсат этилган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга нисбатан доривор воситалар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ушбу Қонунга зид бўлмаган қисми татбиқ қилинади.

**25-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалардан транзит тарзида ўтаётган йўловчиларни даволаш учун фойдаланиш**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан транзит тарзида ўтаётган бемор II ва III рўйхатларга киритилган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни даволаниш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда олиб ўтиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушланиб қолган ва даволанишни давом эттириш учун гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни қўшимча равишда олишга муҳтож бўлган тақдирда бундай воситалар ёки моддаларни бериш Ўзбекистон Республикасида ёзиб берилган рецепт асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**26-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан ветеринарияда фойдаланиш**

Ветеринарияда фойдаланиладиган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхати,

шунингдек улардан фойдаланиш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**27-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан илмий ва ўқув мақсадларида фойдаланиш**

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан илмий ва ўқув мақсадларида фойдаланиш учун рухсат юридик шахсларга мазкур фаолият турлари учун лицензиялари бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда берилади.

**28-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан экспертлик фаолиятида фойдаланиш**

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан экспертизалар ўтказиш мақсадида фойдаланиш учун рухсат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда берилади.

**29-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан тезкор-қидирув фаолиятида фойдаланиш**

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан уларни назорат остида етказиб бериш ва назорат остида олиш, бошқа тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун фойдаланиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**30-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни жисмоний шахсларга бериш**

II, III ва IV рўйхатларга киритилган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни жисмоний шахсларга тиббий мақсадларда бериш бундай фаолият тури учун лицензиялари бўлган дорихоналар ва даволаш-профилактика муассасаларида амалга оширилади.

**31-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият тўғрисида ҳисобот**

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият турлари учун лицензиялари бўлган юридик шахслар ўз фаолиятлари тўғрисида махсус ваколатли органга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этадилар.

**32-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни инвентаризация қилиш**

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият турлари учун лицензиялари бўлган юридик шахслар ўз тасарруфларидаги гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ҳар ойда инвентаризация қилишлари ҳамда товар-моддий қимматликлар балансини тузишлари шарт.

Балансдаги тафовутларга оид маълумотлар ёки баланс маълумотларининг ўтказилган инвентаризация натижаларига номувофиқлиги тўғрисида бу ҳолат аниқланганидан сўнг уч кунлик муддат ичида ички ишлар органларига хабар қилинади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар миқдори ва ҳолатига тааллуқли барча ўзгаришлар махсус дафтарларга қайд этилади. Бундай дафтарларни юритиш ва сақлаш тартиби махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

## **V. ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ. ПСИХОТРОП МОДДАЛАР ВА ПРЕКУРСОРЛАРНИНГ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛАДА БЎЛИШИГА МОНЕЛИК ҚИЛИШ**

**33-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига қарши ҳаракатларни мувофиқлаштириш**

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равишда муомалада

бўлишига қарши ҳаракатларни мувофиқлаштириш махсус ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига монелик қилиш чораларини молиялаш давлат бюджети маблағлари ва бошқа молиялаш манбалари ҳисобидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

#### **34-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар тарғиботининг тақиқланиши ҳамда рекламасининг чекланиши**

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар тарғиботи, яъни гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва улардан фойдаланиш усуллари, услублари тўғрисидаги, уларни олиш жойлари ҳақидаги маълумотларни тарқатишга қаратилган фаолият тақиқланади.

II ва III рўйхатларга киритилган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар рекламаси фақат тиббиёт ва фармацевтика ходимларига мўлжалланган ихтисослашган босма нашрлардагина амалга оширилиши мумкин. Таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари бўлган доривор воситаларнинг намуналарини реклама мақсадларида тарқатиш тақиқланади.

#### **35-м о д д а. Тиббий кўрикдан ва текширувдан ўтказиш**

Шахс гиёҳвандлик билан касалланган, гиёҳвандлик воситалари таъсирида маст ҳолатда ёхуд шифокор кўрсатмаси бўлмагани ҳолда гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда истеъмол этган деб ҳисоблашга етарли асослар бўлса, у тиббий кўрикдан ўтказишга юборилиши мумкин.

Шахс ўз танасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни олиб ўтаётир деб ҳисоблашга асослар бўлса, у тиббий кўрикдан ўтказишга юборилиши мумкин.

Ушбу моддада кўрсатилган шахслар тиббий кўрикдан ва текширувдан ўтказиш учун суриштирув, тергов

органлари ва суднинг қарорига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юборилади.

Тиббий кўрикдан ва текширувдан ўтказиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**36-м о д д а. Гиёҳвандликка йўлиққан шахслар учун касб фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланишнинг чекланиши**

Гиёҳвандликка йўлиққан шахслар шуғулланиши учун чеклов белгиланган касб фаолияти турлари рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**37-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни мусодара этиш**

Қонунга хилоф равишда муомалада бўлганлиги учун олиб қўйилган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар, шунингдек уларни ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун мўлжалланган асбоб ва ускуналар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда мусодара этилади ёки йўқ қилинади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият натижасида олинган ёки бундай фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиладиган мол-мулк қонун ҳужжатларига мувофиқ мусодара этилади.

**38-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равишда бўлиши билан боғлиқ жиноятлар содир этган шахслар устидан маъмурий назорат**

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлиши билан боғлиқ жиноятлар содир этган шахслар жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганидан кейин улар устидан қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий назорат ўрнатилиши мумкин.



**39-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни назорат остида етказиб бериш ва назорат остида олиш**

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлиши билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, бартараф этиш ва очиш мақсадида тезкор қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ўз ваколатлари доирасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни назорат остида етказиб бериш ва назорат остида олиш ҳуқуқига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эгадир.

**40-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига йўл қўйган юридик шахсни тугатиш**

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига йўл қўйган юридик шахс суднинг қарорига биноан тугатилиши мумкин.

**41-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишидан келган даромадларни легаллаштиришда иштирок этаётган юридик шахсни тугатиш**

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлиши натижасида олинган даромадларни легаллаштириш мақсадида молиявий операцияни амалга оширган юридик шахс суднинг қарорига биноан тугатилиши мумкин.

**42-м о д д а. Ушбу Қонун талаблари ижросини текшириш ва назорат қилишни амалга оширувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятга оид тартиб бузилганлигидан далолат берувчи

маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда прокуратура, ички ишлар, Миллий хавфсизлик хизмати ва божхона органларининг мансабдор шахслари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликлар етиштирилиши эҳтимоли бор ер участкаларини, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, бериш, реализация қилиш, тақсимлаш, олиш, фойдаланиш ва йўқ қилиш жойларини кўздан кечириш;

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ишлаб чиқариш ва тайёрлаш жараёнларининг белгиланган қоидаларга мувофиқлигини текшириш, зарурат бўлганда экспертлик тадқиқоти учун намуналар олиш;

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олишга монелик қилиш мақсадида хоналарни муҳрлаб қўйиш;

назорат вазибаларини бажариш учун зарур тушунтириш ва ҳужжатлар тақдим этишни талаб қилиш;

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият турлари учун лицензиялари бўлган юридик шахсларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш; текширишнинг бошқа чораларини амалга ошириш.

Суриштирув, тергов ёки прокуратура органларининг мансабдор шахслари гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолият амалга оширилаётган ҳар қандай жойга кириши ва уни кўздан кечириши мумкин.

**43-м о д д а. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

## VI. ГИЁХВАНДЛИК ВА ЗАҲАРВАНДЛИК БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРГА БЕРИЛАДИГАН НАРКОЛОГИК ЁРДАМ

44-м о д д а. **Гиёҳвандлик ва заҳарвандлик билан касалланган беморларга наркологик ёрдам кўрсатиш**

Давлат гиёҳвандлик ва заҳарвандлик билан касалланган беморларга уларни текширувдан ўтказиш, маслаҳат бериш, ташҳис қўйиш, даволаш ва тиббий-ижтимоий тиклашдан иборат наркологик ёрдам кўрсатилишини кафолатлайди.

Гиёҳвандлик ва заҳарвандлик билан касалланган беморларга наркологик ёрдам уларнинг илтимосига кўра ёки уларнинг розилиги билан, ёши ўн тўртга тўлмаган вояга етмаганларга эса, уларнинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакилларининг илтимосига кўра ёхуд уларнинг розилиги билан кўрсатилади.

Даволаниш курсини ўташ учун наркология муассасасига ихтиёрий равишда мурожаат этган гиёҳвандлик ва заҳарвандлик билан касалланган беморларнинг илтимосига кўра даволанишнинг сир сақланиши таъминланади.

Гиёҳвандлик ва заҳарвандлик билан касалланган беморларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарори билан тиббий йўсиндаги мажбуриятлар чоралари тайинланиши мумкин.

45-м о д д а. **Соғлиқни сақлаш муассасаларининг гиёҳвандлик ва заҳарвандлик билан касалланган беморларга наркологик ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолияти**

Гиёҳвандлик ва заҳарвандлик ташҳиси қўйиш, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик билан касалланган беморларни текширувдан ўтказиш, уларга маслаҳат бериш, уларни даволаш ва тиббий-ижтимоий тиклаш давлат ёки ҳусусий соғлиқни сақлаш тизимларининг мазкур фаолият тури учун лицензия олган муассасаларида ўтказилади.

Гиёҳвандлик, заҳарвандлик ташҳиси қўйиш ҳамда гиёҳвандлик ва заҳарвандлик билан касалланган бемор-

ларни даволаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақиқланмаган воситалар ва усуллар қўлланилади.

**46-м о д д а. Гиёҳвандлик ва заҳарвандлик билан касалланган беморларни тиббий ҳисобга олиш ва кузатиб бориш тартиби**

Гиёҳвандлик ва заҳарвандлик билан касалланган беморларни тиббий ҳисобга олиш ва кузатиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

**«ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ВА ПСИХОТРОП  
МОДДАЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

**1999 йил 19 август**

**Қ А Р О Р И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 211-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р  
қ и л а д и:**

1. «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2000 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштиради, вазирликлар ва идоралар ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ТАБИИЙ  
МОНОПОЛИЯЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИГА  
ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING**

**1999 йил 19 август**

**Қ О Н У Н И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 212-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р  
қ и л а д и:**

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил № 4—5, 106-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, у янги таҳрирда тасдиқлансин (илова қилинмоқда).

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

## ТАБИЙ МОНОПОЛИЯЛАР ТЎҒРИСИДА

(Янги таҳрири)

### 1-м о д д а. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси товар бозорларида табиий монополия субъектларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солишдан, шунингдек истеъмолчилар, давлат ва табиий монополия субъектлари манфаатларининг мутаносиблигини таъминлашдан иборатдир.

### 2-м о д д а. Табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### 3-м о д д а. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**табиий монополия** — товар бозорининг ҳолати бўлиб, унда технологик хусусиятлар туфайли муайян товарлар (ишлар, хизматлар) турларига (бундан буён матнда товарлар деб юритилади) бўлган талабни қондиришнинг рақобатли шароитларини яратиш мумкин эмас ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас;

**табиий монополия субъекти** — табиий монополия шароитида товарлар ишлаб чиқариш (реализация қилиш) билан банд бўлган хўжалик юритувчи субъект (юридик шахс);

**истеъмолчи** — табиий монополия субъекти ишлаб чиқараётган товарни олаётган жисмоний ёки юридик шахс;

**умумий эркин фойдаланиладиган электр ва почта алоқаси хизматлари** — электр ва почта алоқаси хизматлари бўлиб, фойдаланувчиларга бу хизматлар кўрсатишни рад этиш мумкин эмас ҳамда улар электр ва почта алоқасининг бошқа хизматларидан фойдаланишга ўзгартирилиши мумкин эмас.

#### **4-м о д д а. Табиий монополия субъектларининг фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш**

Қуйидаги соҳаларда табиий монополия субъектларининг фаолияти давлат томонидан тартибга солинади:

нефть, газ конденсати, табиий газ ва кўмир қазиб чиқариш;

нефть, нефть маҳсулотлари ва газни қувурлар орқали транспортировка қилиш;

электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш;

темир йўлларда ташиш;

умумий эркин фойдаланиладиган электр ва почта алоқаси хизматлари:

сув қувурлари ва канализация хизматлари.

Портлар ва аэропортларнинг хизматлари ҳам давлат томонидан тартибга солиниши шарт.

Қуйидагилар табиий монополия субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солувчи органлар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган орган (бундан буён матнда ваколатли орган деб юритилади).

#### **5-м о д д а. Табиий монополия субъектларининг фаолиятини тартибга солиш усуллари**

Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш қуйидаги усулларда амалга оширилади:

нархларни (тарифларни) ёки уларнинг энг юқори (энг паст) даражасини белгилаш (ўрнатиш) воситасида нархларни тартибга солиш;



хизмат кўрсатилиши шарт бўлган истеъмолчиларни аниқлаш ва (ёки) уларни табиий монополия субъектлари реализация қиладиган товар билан тўлиқ ҳажмда қондиришнинг имкони бўлмаган тақдирда, таъминлашнинг энг кам даражасини белгилаш.

Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа усуллар ҳам қўлланилиши мумкин.

**6-м о д д а. Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солувчи давлат органи томонидан тартибга солиш усулларини қўллаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш учун асослар**

Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солувчи тегишли давлат органи томонидан муайян табиий монополия субъектига нисбатан ушбу Қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибга солиш усулларини қўллаш тўғрисидаги қарор ишлаб чиқарилаётган (реализация қилинаётган) товарлар сифатини ошириш ва уларга бўлган талабни қондиришдаги рағбатлантирувчи роли ҳисобга олинган ҳолда унинг фаолиятини таҳлил қилиш асосида қабул қилинади. Бунда сарф-харажатларнинг қанчалик асосли эканлиги баҳоланади ва қуйидагилар ҳисобга олинади:

товарлар ишлаб чиқариш (реализация қилиш) чиқимлари, шу жумладан иш ҳақи, хом ашё ва материаллар қиймати, қўшимча харажатлар;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

асосий ишлаб чиқариш воситаларининг қиймати, уларни такрор ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган инвестицияларга бўлган эҳтиёж, ҳамда амортизация ажратмалари;

товарлар турли нархларда (тарифларда) реализация қилиниши эҳтимолидан кутилаётган фойда;

истеъмолчилар турли гуруҳларининг товарлар ишлаб чиқариладиган жойдан олислиги;

ишлаб чиқарилаётган (реализация қилинаётган) товарлар сифатининг истеъмолчилар талабига мувофиқлиги;

давлат дотациялари ва давлат ёрдамининг бошқа чора-тадбирлари.

Муайян табиий монополия субъектининг фаолиятини тартибга солиш усулларини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилаётганда табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солувчи орган табиий монополия субъекти товарларининг истеъмолчилари тақдим этган ахборотни ҳам кўриб чиқади.

#### **7-м о д д а. Нархларни тартибга солиш**

Табиий монополия субъектлари фаолиятида нархларни тартибга солиш ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

Товарларга нархлар (тарифлар) белгилаш учун табиий монополия субъектлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибга мувофиқ ваколатли органга нархларнинг (тарифларнинг) лойиҳаларини ҳамда улар бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этадилар.

Табиий монополия субъектлари товарларига тааллуқли нархлар (тарифлар) лойиҳалари ваколатли орган томонидан истеъмолчи маҳсулоти нархларига уларнинг таъсири ҳисобга олинган ҳолда бир ҳафта муддат ичида кўриб чиқилади.

Ваколатли органнинг нархлар (тарифлар) бўйича қарори табиий монополия субъектлари томонидан улар кучга киришидан камида ўн беш кун аввал оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

#### **8-м о д д а. Хизмат кўрсатилиши шарт бўлган истеъмолчиларни аниқлаш**

Табиий монополия субъектлари томонидан хизмат кўрсатилиши шарт бўлган истеъмолчиларни аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

#### **9-м о д д а. Табиий монополия субъектлари фаолияти устидан давлат назорати**

Табиий монополия субъектлари фаолияти устидан давлат назорати монополияга қарши давлат органи томонидан амалга оширилади.

Монополияга қарши давлат органи қуйидагиларни назорат қилади:

амалга оширилиши натижасида табиий монополия субъекти асосий воситаларга нисбатан мулк ҳуқуқини ёки товарлар ишлаб чиқариш (реализация қилиш) учун мўлжалланмаган, уларга нисбатан давлат томонидан тартибга солиш қўлланиладиган асосий воситалардан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритадиган битимлар устидан, агар бундай асосий воситаларнинг баланс қиймати табиий монополия субъекти ўз капитали қийматининг ўн фоизидан ортиқ бўлса;

амалга оширилиши натижасида табиий монополия субъекти ушбу Қонунга мувофиқ асосий воситаларга нисбатан тартибга солиш қўлланиладиган, товарлар ишлаб чиқариш (реализация қилиш) учун мўлжалланган асосий воситаларнинг бир қисмига нисбатан мулк ҳуқуқини ёхуд уларга эгалик қилиш ва (ёки) улардан фойдаланиш ҳуқуқини хўжалик юритувчи бошқа субъектга ўтказадиган битимлар устидан, агар бундай асосий воситаларнинг баланс қиймати табиий монополия субъекти ўз капитали қийматининг ўн фоизидан ортиқ бўлса;

истеъмолчиларга реализация қилинадиган товарлар ҳажми бўйича шартномаларга риоя этилиши устидан;

товарлар нархини чиқариш ҳамда нархлар (тарифлар)ни қўллаш тартибига риоя этиш устидан;

табиий монополия субъектларининг ташкил этилиши, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши устидан.

Ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириш учун табиий монополия субъекти монополияга қарши давлат органига тегишли ахборот ҳамда бундай ҳаракатларни амалга оширишга розилик сўраб илтимоснома тақдим этиши шарт. Илтимосномани кўриб чиқиш тартиби, бундай ахборотнинг мазмуни ва уни тақдим этиш шаклига доир талаблар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Агар илтимосномада баён қилинган ҳаракатлар салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлса, шунингдек аризачи барча зарур ҳужжатларни тақдим этмаган ёхуд улардаги маълумотлар тўлиқ бўлмаса ёки ишончсиз бўлса, монополияга қарши давлат органи илтимосномани қондиришни рад этишга ҳақлидир.

Монополияга қарши давлат органи илтимоснома олинган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай ўз қарори тўғрисида аризачига ёзма равишда хабар қилади.

Монополияга қарши давлат органи аризачидан қўшимча ҳужжатлар сўраб олишга ва башарти, бундай сўров илтимоснома олинган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай уни кўриб чиқиш муддати узайтирилганлиги тўғрисидаги хабарнома билан биргаликда аризачига юборилган бўлса, илтимосномани кўриб чиқиш муддатини узайтиришга ҳақли.

Агар илтимосномани кўриб чиқиш муддати тугагач, монополияга қарши давлат органининг жавоби олинмаган бўлса ёки илтимосномани қондириш рад этилган бўлса, аризачи судга мурожаат этишга ҳақли.

**10-м о д д а. Монополияга қарши давлат органининг табиий монополия субъектлари фаолияти соҳасидаги ваколатлари**

Монополияга қарши давлат органи:

давлат томонидан тартибга солиш ва назорат амалга ошириладиган табиий монополия субъектларининг Давлат реестрини тузади ва юритади;

ушбу Қонунга риоя этилишини ўз ваколати доирасида назорат қилади;

қонуи ҳужжатларининг бузилиш фактлари юзасидан ўз ваколати доирасида қарорлар қабул қилади;

табиий монополия субъектларига бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар юборади;

табиий монополия субъектига жарима солиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилади:

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бажарилиши мажбурий бўлган улар томонидан ушбу Қонунга зид тарзда қабул қилинган ҳужжатларни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги кўрсатмаларни юборади;

ушбу Қонунни қўллаш ёки бузиш билан боғлиқ бўлган ишларда судга даъво ва ариза билан мурожаат этади ҳамда ишлар судда кўриб чиқиладиганда қатнашади.

**11-м о д д а. Табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш**

Монополияга қарши давлат органи ўз ваколати доирасида юридик шахслар, шу жумладан чет эл юридик шахслари, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан табиий монопо-

лиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

Табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш учун ўзи ўтказган текширувларнинг материаллари, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аризалари ҳамда прокуратура тақдимномалари асос бўлади.

Табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишлар бир ой муддатда кўриб чиқилади.

Кўриб чиқиладиган ишлар юзасидан қарор хўжалик юритувчи субъект ёки бошқарув органининг вакиллари ҳозирлигида, шунингдек манфаатдор шахсларнинг иштирокида қабул қилинади.

Ишни кўриб чиқиш натижалари юзасидан монополияга қарши давлат органининг қарори (кўрсатмаси) у қабул қилинган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай манфаатдор тарафларга жўнатилади ҳамда унда белгиланган муддатларда ижро этилиши шарт.

## 12-м о д д а. Табиий монополия субъектларининг фаолияти тўғрисидаги маълумотдан фойдаланиш ҳуқуқи

Монополияга қарши давлат органи зиммасига юкланган вазифаларни бажариш мақсадларида унинг мансабдор шахслари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидаги, шунингдек табиий монополия субъектларидаги мавжуд бўлган табиий монополия субъектлари фаолиятига тааллуқли маълумотдан монеликсиз фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Табиий монополия субъектлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари монополияга қарши давлат органининг талабига биноан монополияга қарши давлат органи ушбу Қонунда назарда тутилган вазифаларни амалга ошириши учун зарур бўлган ҳужжатларни, тушунтиришларни ва бошқа маълумотни ёзма ёки оғзаки шаклда тақдим этишлари шарт.

Монополияга қарши давлат органи томонидан ушбу моддага асосан олинган, тижорат сирини бўлган маълумотлар ошкор этилиши мумкин эмас.

**13-м о д д а . Табиий монополия субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни жорий этиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

Табиий монополия субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни жорий этиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, шунингдек тартибга солиш усуллари-ни қўллаш масалалари юзасидан қарорлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартиб-да қабул қилинади.

Табиий монополия субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни жорий этиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш масалалари давлат органлари, истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари ва хўжалик юри-тувчи субъектларнинг таклифлари асосида кўриб чиқи-лиши мумкин.

**14-м о д д а . Табиий монополия субъектларининг ҳу-қуқлари**

Табиий монополия субъектлари реализация қилинган товарлар ҳақини тўламаётган истеъмолчиларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хизмат кўрсатишни рад этишга ҳақлидирлар.

Табиий монополия субъектлари қонун ҳужжатлари-да назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиш-лари мумкин.

**15-м о д д а . Табиий монополия субъектларининг маж-буриятлари**

Табиий монополия субъектлари қуйидагиларга маж-бурдирлар:

монополияга қарши давлат органига қонун ҳужжат-ларида белгиланган тартибда ўз фаолиятлари тўғриси-да ҳисобот тақдим этиш;

ўз товарлари сотиб олинишида истеъмолчиларга тенг шароитлар яратиб бериш. Барча истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш учун қувватлар етарли бўлмаган ҳол-ларда товарлар истеъмолчилар ўртасида тақсимланиши-ни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қа-рорларига мувофиқ тартибга солиш;

монополияга қарши давлат органининг тақдимномаларига биноан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шартномаларга ўзгартишлар киритиш;

истеъмолчиларнинг зарур ҳажмдаги ва лозим даражадаги сифатли товарларни олишдан иборат ҳуқуқлари камситилишига йўл қўймаслик;

нархларни (тарифларни) белгилаш учун ваколатли органга ишончли ахборот тақдим этиш.

Табиий монополия субъектлари қонун ҳужжатлари-га мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

### **16-м о д д а. Табиий монополия субъектларининг фаолиятини чеклаш**

Табиий монополия субъектларига қуйидагилар ман этилади:

агар табиий монополия субъектининг тегишли товарларни ишлаб чиқариш (реализация қилиш) имконияти мавжуд бўлса, шундай товарларни ишлаб чиқариш (реализация қилиш) юзасидан айрим истеъмолчилар билан шартнома тузишни рад этиш;

товарлар учун ваколатли орган белгилаган миқдордан ортиқ ҳақ олиш;

табиий монополия субъектларининг товарларидан фойдаланиш шартларини тиқиштириш ёки табиий монополия субъектларининг товарлари истеъмолчиларини камситилишига ёхуд истеъмолчилардан белгиланган нархларда (тарифларда) ҳисобга олинмаган ҳақ ундириш эвазига даромад олишга олиб келадиган бошқача хатти-ҳаракатларни содир этиш.

### **17-м о д д а. Табиий монополия субъектлари товарлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари**

Табиий монополия субъектлари товарларининг истеъмолчилари қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

табиий монополия субъектларининг товарларини ваколатли орган белгилаган нархларда (тарифларда) сотиб олиш;

ҳаёт, соғлиқ ва мол-мулк учун хавfli камчиликлари бўлган товарлар, шунингдек табиий монополия субъектларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган моддий зарар тўлиқ

ҳажмда тўланишини ва маънавий зиён қопланишини талаб этиш.

Истеъмолчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

**18-м о д д а. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш**

Табиий монополия субъектлари товарлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солувчи давлат органлари, монополияга қарши давлат органи ҳамда бошқа махсус вакил қилинган органлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**19-м о д д а. Табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**20-м о д д а. Монополияга қарши давлат органининг қарорлари (кўрсатмалари) устидан шикоят қилиш**

Табиий монополия субъектлари, давлат органлари, истеъмолчилар, истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари монополияга қарши давлат органининг қарорларини (кўрсатмаларини) тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Судга ариза бериш монополияга қарши давлат органининг қарори (кўрсатмаси) ижросини суд қарори қабул қилинганга ва у қонуний кучга киргунга қадар тўхтатиб қўймайди.



**ОДАМНИНГ ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ ВИРУСИ БИЛАН  
КАСАЛЛАНИШНИНГ (ОИВ КАСАЛЛИГИНИНГ) ОЛДИНИ  
ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ**

1999 йил 19 август

**Қ О Н У Н И**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 213-модда)

**1-модда.** Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари

Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**2-модда.** Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ОИВ касаллиги** — одамнинг иммунитет танқислиги вируси оқибатида келиб чиққан ўта хавфли юқумли касаллик;

**ОИВ касаллигини юқтирганлар** — одамнинг иммунитет танқислиги вируси касаллигини юқтирган шахслар;

**ОИТС** — орттирилган иммунитет танқислиги синдроми, ОИВ касаллигининг терминал (сўнгги) босқичи.

**3-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ОИТС/ОИВ касаллиги юққан-юқмаганлигини аниқлаш мақсадида тиббий текширувдан ўтиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган ёки турган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар исми-шарифини сир сақлаган ҳолда, ихтиёрий равишда ОИТС/ОИВ касаллиги юққан-юқмаганлигини аниқлаш мақсадида аноним тиббий текширувдан ўтиш ҳуқуқига эгадирлар.

ОИТС/ОИВ касаллиги юққан-юқмаганлигини аниқлаш мақсадида тиббий текширувдан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонида белгиланади ва у эълон қилиниши лозим.

**4-м о д д а. ОИТС/ОИВ касаллигининг олдини олиш соҳасидаги давлат таъминоти**

**Давлат:**

одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш чоратадбирлари тўғрисида аҳолининг хабардор қилинишини;

ОИТС/ОИВ касаллигининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш воситалари етказиб берилишини, шунингдек ташхис қўйиш, даволаш ва илмий мақсадларда қўлланиладиган тиббий препаратлар, биологик суюқликлар, органлар ва тўқималарнинг хавфсиз бўлиши устидан назорат қилинишини;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ОИТС/ОИВ касаллигининг тарқалиши устидан эпидемиологик назорат ўрнатилишини;

ОИТС/ОИВ касаллиги юққан-юқмаганлигини аниқлаш мақсадида тиббий текширувдан ўтказиш учун шартшароит яратилишини;

тиббий текширувдан ўтишнинг хавфсиз, исм-шариф сир сақланган ҳолда ва аноним тарзда бўлишини;

аҳоли тиббий текширувдан бепул ўтказилишини ва ОИВ касаллигини юқтирганлар ва ОИТС га чалинган беморлар бепул даволанишини;

ОИТС/ОИВ касаллигини юқтирганларга ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатилишини, улар янги ихтисосга ўргатилишини ва ишга жойлаштирилишини;

ОИВ касаллиги муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар ривожлантирилишини;

ОИВ касаллиги тарқалишининг олдини олиш чоратадбирларини амалга ошириш учун мутахассислар тайёрлашни таъминлайди.

**5-м о д д а. ОИТС/ОИВ касаллигининг олдини олиш бўйича фаолиятни молиялаш**

ОИТС/ОИВ касаллигининг олдини олишга доир фаолият давлат бюджети маблағлари, мақсадли фондлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари, бошқа манбалар ҳисобидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**6-м о д д а. ОИТС/ОИВ касаллигини юқтирганларнинг аниқланиши оқибатлари**

Ўзбекистон Республикаси фуқароларида ОИТС/ОИВ касаллиги аниқланган тақдирда, улар қон, биологик суюқлик, органлар ва тўқималарнинг донори бўла олмайдилар. ОИТС/ОИВ касаллигини юқтирганлар тиббий кузатув остида бўлишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиғи бўлмаган шахсларда ОИВ касаллиги аниқланган тақдирда, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасидан чиқарилиб юборилишлари мумкин.

**7-м о д д а. Одамнинг иммунитет танқислиги вирус касаллигини юқтирганлик учун жавобгарлик**

Ўзида ОИТС/ОИВ касаллиги мавжудлигини билган шахснинг бошқа шахсни атайлаб шу касаллик вирусини юқтириш хавфи остига қўйиши ёки уни юқтириши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

**8-м о д д а. Одамнинг иммунитет танқислиги вирус касаллиги юққан шахсларнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплаш**

Тиббиёт ходимлари ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг ўз хизмат вазифаларини лозим даражада

бажармаслиги оқибатида одамнинг иммунитет танқислиги вирус касаллиги юққан шахсларнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**9-модда. ОИТС/ОИВ билан касалланган шахсларнинг ҳамда улар оила аъзоларининг ҳуқуқлари ва ижтимоий муҳофазаси**

Одамнинг иммунитет танқислиги вирус касаллигини юқтирган ҳамда ОИТС билан касалланган шахслар ўзларига инсоний муносабатда бўлиниши, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бепул тиббий ёрдам кўрсатилиши ва ижтимоий таъминланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ун олти ёшга тўлмаган шахслар ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида давлат нафақасини олиш ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ногирон болалар учун белгиланган имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

ОИВ касаллигини юқтирган ёки ОИТСга дучор бўлган болаларнинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ёш болалари билан бирга стационарда бўлиш ҳамда шу пайтда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини олган ҳолда ишдан озод бўлиб туриш ҳуқуқига эгадирлар.

**10-модда. ОИВ касаллигини юқтирган ва ОИТС га дучор бўлган беморлар ҳуқуқларининг кафолатлари**

ОИВ касаллигини юқтирган ва ОИТС га дучор бўлган беморларда ОИТС/ОИВ касаллиги мавжудлиғига асосланиб, улар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш, уларни ишга қабул қилишдан (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаган рўйхатдаги айрим касбий фаолият турлари бундан мустасно), таълим муассасаларига ҳамда тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасаларга қабул қилишдан бош тортиш, ҳамда уларнинг бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаш, худди шунингдек улар оила аъзоларининг турар жой ҳуқуқлари, бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаш тақиқланади.

**11-м о д д а. Ўз хизмат вазифаларини бажараётганда одамнинг иммунитет танқислиги вирус касаллиги юқиши хавфи остида бўлган тиббиёт ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш**

ОИТС/ОИВ касаллигига дучор бўлган беморларни даволаш-ташхис қўйиш ва профилактика ишларида, уларга хизмат кўрсатишда банд бўлган, ОИТС/ОИВ ўчоғида эпидемияга қарши тадбирларни таъминлайдиган шахсларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар берилади.

Тиббиёт ходимлари ҳамда соғлиқни сақлашнинг бошқа ходимларига улар хизмат вазифаларини адо этиши чоғида ОИТС/ОИВ касаллиги юқса, бу — касбий касалликлар тоифасига киради.

**12-м о д д а. Ўзбекистон Республикасига кириш шартлари**

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари Ўзбекистон Республикасига келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, улар ўзларида ОИТС/ОИВ касаллиги йўқлигини тасдиқловчи сертификатни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда тақдим этганлари тақдирда, Ўзбекистон Республикасига кириш учун виза берадилар.

**13-м о д д а. Одамнинг иммунитет танқислиги вирус билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Одамнинг иммунитет танқислиги вирус билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

**«ОДАМНИНГ ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ ВИРУСИ  
БИЛАН КАСАЛЛАНИШНИНГ (ОИВ КАСАЛЛИГИНИНГ)  
ОЛДИНИ ОЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

### **ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

**1999 йил 19 август**

### **Қ А Р О Р И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 214-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р  
қ и л а д и:**

1. «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар мазкур Қонунга зид келадиган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «ОИТС билан касалланишнинг олдини олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 8, 196-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ**

**1999 йил 19 август**

**Қ О Н У Н И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 215-модда)**

**1-м о д д а. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонун йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида юзага келувчи муносабатларни тартибга солади ҳамда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкани муҳофаза этишни таъминлашга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шунингдек атроф табиий муҳитни ҳимоя эташга қаратилган.

**2-м о д д а. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлла-нилади:

**Йўл** — транспорт воситалари қатнови учун қурилган ёки мослаштирилган ва худди шу мақсадда фойдаланиладиган ер минтақаси ёхуд сунъий иншоот юзаси. Йўл ўз ичига автомобиль йўлларини (умумий фойдаланишдаги ва идоравий автомобиль йўлларини), шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг кўчалари ва йўлкаларини, шунингдек шаҳар электр транспорти йўлларини олади;

**Йўл ҳаракати** — одамлар ва юкларнинг транспорт воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз йўллар доирасида ҳаракатланиши жараёнида юзага келувчи муносабатлар мажмуи;

**Йўл ҳаракати қатнашчиси** — йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситасининг ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда тариқасида бевосита иштирок этаётган шахс;

**Йўл ҳаракати хавфсизлиги** — йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати;

**Йўл-транспорт ҳодисаси** — транспорт воситасининг йўлдаги қатнови жараёнида содир бўлиб, фуқароларнинг ўлими ёки уларнинг соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юклар шикастланишига ёки бошқа тарзда моддий зарар етказилишига сабаб бўлган ҳодиса;

**Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш** — йўл-транспорт ҳодисаларининг юзага келиш сабаблари олдини олишга, бундай ҳодисалар оқибатларининг огирлигини энгиллатишга қаратилган фаолият;

**Йўл ҳаракатини ташкил этиш** — йўлларда ҳаракатни бошқариш бўйича ҳуқуқий, ташкилий-техникавий тадбирлар ва бошқарув ҳаракатлари мажмуи;

**транспорт воситаси** — одамларни, юкларни ташишга ёки махсус ишларни бажаришга мўлжалланган қурилма;

**транспорт воситасининг эгаси** — транспорт воситасига мулк ҳуқуқида ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларда эгалик қилувчи юридик ёки жисмоний шахс.

### **3-модда. Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### **4-модда. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви**

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларига қуйидагилар киради:

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги;



**Ўзбекистон** автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш давлат-акциядорлик концерни;

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат** автомобиль назорати инспекцияси.

**Б-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари**

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:**

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларни амалга ошириш устидан назорат олиб боради;

йўл ҳаракати қоидаларини ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва йўл ҳаракатини ташкил этиш масалаларига доир бошқа норматив ҳужжатларни тасдиқлайди;

вазирликлар ва идораларнинг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, экологик хавфсизлик талабларига риоя этиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

транспорт воситалари ва йўлларнинг техникавий ҳолатига, йўллар ва темир йўлдан ўтиш жойлари бўйлаб йўл ҳаракати хавфсизлигига доир ягона талабларни белгилайди;

транспорт воситаларининг ҳайдовчиларини тайёрлашга, шунингдек аҳолига йўлларда юриш-туриш хавфсизлиги қоидаларини ўргатишга доир умумий талабларни белгилайди:

транспорт воситаларининг ҳайдовчиларини, шундай воситаларнинг ўзини, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши ҳолларини, йўл-транспорт ҳодисалари ва бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олишнинг ягона тизимини тасдиқлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**Б-м о д д а. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари**

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш давлат дастурларини амалга оширади;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳудудий дастурларини тасдиқлайди ҳамда уларни амалга ошириш устидан назорат олиб боради;

йўл ҳаракати хавфсизлиги тиббий жиҳатдан таъминланишини, шунингдек йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлганда жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этади;

йўл-транспорт ҳодисалари оқибатидаги жароҳатланишларнинг олдини олиш, аҳолига йўлларда юриштириш хавфсизлиги қондаларини ўргатиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини тарғиб этиш ҳамда экологик хавфсизлик талабларига риоя этиш чора-тадбирларини кўради;

шаҳарлардаги, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги кўчаларнинг, йўлкаларнинг ҳамда йўл ҳаракатини бошқариш воситаларининг, шунингдек шаҳар электр транспорти йўлларининг қурилиши ва соз ҳолатда сақланишини таъминлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

### **7-м о д д а. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспор-ти агентлигининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари**

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги:

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

автомобилда юк ташиш хавфсизлигини таъминлаш масалалари юзасидан норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади;

транспорт воситалари ва транспортда кўрсатиладиган хизматлар сертификатлаштирилишини амалга оширади;

йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига автомобиль транспортда риоя этилиши устидан назорат олиб боради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**8-модда. Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш давлат-акциядорлик концернининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари**

**Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш давлат-акциядорлик концерни:**

Ўз тасарруфидаги автомобиль йўлларидан транспорт воситаларининг хавфсиз қатнови учун бу йўлларнинг соз ҳолатда сақланишини таъминлайди;

йўл ҳаракати қатнашчиларини йўл қопламасининг ҳолати, гидрометеорологияга оид ва бошқа шароитлар тўғрисида зарур ахборот билан таъминлайди;

автомобиль йўлларида йўл ҳаракатини бошқариш воситалари, тезкор алоқа тизими қурилиши ва жиҳозланишини амалга оширади ҳамда уларнинг сақланишини таъминлайди;

автомобиль йўлларининг қатнов учун хатарли жойларини аниқлайди ва бу жойларда йўл ҳаракатини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирларини кўради;

оғир вазнли, йирик габаритли, хавфли ва махсус юкларни ташувчи транспорт воситаларининг қатнов йўналишларини белгилашда иштирок этади, шунингдек йўл хизмати кўрсатиш объектлари жойлашувига розилик беради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**9-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль назорати инспекциясининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари**

**Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат автомобиль назорати инспекцияси:**

йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари қоидалари ва нормаларини ишлаб чиқади;

йўл ҳаракати қатнашчиларининг ушбу Қонунга, Йўл ҳаракати қоидаларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид қисмига риоя этиши устидан назорат олиб боради;

жамоат транспортининг, шунингдек оғир вазли, йирик габаритли, хавфли ва махсус юкларни ташувчи транспорт воситаларининг қатнов йўналишларини белгилашда иштирок этади;

йўлларни, темир йўл кесишуви жойларини, автомобиль ёнилғиси қуйиш тармоқларини, транспорт воситаларининг конструкцияларини қуриш, реконструкция қилиш лойиҳаларига розилик беради;

фойдаланишдаги транспорт воситаларининг техник ҳолати устидан назорат олиб боради, транспорт воситаларининг техник кўригини ўтказди;

йўллар ва темир йўлдан ўтиш жойларининг сақлаиши, уларнинг йўл ҳаракатини бошқариш воситалари билан жиҳозланиши устидан назорат олиб боради;

йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари ва нормаларига мувофиқ бўлмаган йўллар ва темир йўл кесишуви жойларидан фойдаланишни тақиқлайди;

транспорт воситалари, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши ҳоллари ва йўл-транспорт ҳодисалари ҳисобини ва рўйхатини юритади;

транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига доир гувоҳномалар беради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг ваколат доирасига берилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

## **10-модда. Транспорт воситалари эгаларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги мажбуриятлари**

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида транспорт воситаларининг эгалари:

техник жиҳатдан соз транспорт воситаларидан фойдаланишлари;

транспорт воситаларини тегишли малакаси бўлган ва тиббий кўриқдан ўтган шахслар бошқаришига ижозат этишлари;

йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва экология нормалари талабларига риоя этишлари шарт.

## 11-м о д д а. Йўлларни сақлаш ва таъмирлашга доир талаблар

Йўлларни сақлаш ва таъмирлаш йўлларни бошқарувчи органлар томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигининг белгиланган стандартлари, қоидалари ва нормаларига мувофиқ равишда амалга оширилади.

Йўлларни бошқарувчи органлар зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги оқибатида, йўл шароитларига кўра содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари туфайли етказилган зарар мазкур органлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланмоғи керак.

## 12-м о д д а. Транспорт воситалари конструкциялари-ни тайёрлаш чоғидаги талаблар

Транспорт воситалари конструкциялари, қўшимча ускуналар, эҳтиёт қисмлар йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари ва нормаларининг талабларига мос бўлиши ҳамда ваколатли органлар томонидан белгиланган тартибда мажбурий сертификатлаштирилиши керак.

## 13-м о д д а. Транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналарига доир талаблар

Йўл ҳаракатида қатнашувчи транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналари йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари ва нормаларига мувофиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланишда бўлган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинган транспорт воситалари мажбурий техник кўриқдан ўтказилиши керак.

Техник кўриқдан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

## 14-м о д д а. Транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш чоғидаги талаблар

Транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш юзасидан ишлар бажараётган ва хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар бу ишларни (хизматларни) йўл ҳаракати хавфсизлигининг белгиланган стандартлари, нормалари ва қоидаларига мувофиқ равишда амалга оширадilar.

#### **15-модда. Транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлаш**

Йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи техник носозликлар мавжуд бўлган тақдирда транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланади.

Транспорт воситаларининг техник носозликлари рўйхати ва бундай воситалардан фойдаланишни тақиқлайдиган шартлар Йўл ҳаракати қоидалари билан белгилаб қўйилади.

Транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль назорати инспекциясининг шунга ваколатли мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **16-модда. Фаолияти транспорт воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ юридик шахсларга ва якка тартибдаги тадбиркорларга доир асосий талаблар**

Фаолияти транспорт воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар:

транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ишини йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминловчи талабларга мувофиқ равишда ташкил этади;

ҳайдовчиларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнат қилиш ва дам олиш режимига риоя этади;

ҳайдовчиларнинг малакасини ошириш учун зарур шароитлар яратиб беради;

йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи техник носозликлар мавжуд бўлган тақдирда транспорт воситаларидан фойдаланишга йўл қўймайди;

транспорт воситаларининг сақланишини таъминлайди.

Автомобилда ёки ер усти шаҳар электр транспортида йўловчилар, багаж ва юкларни ташиш фаолиятини амалга ошираётган юридик шахслар йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари доирасида, ташишнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда махсус қоидалар белгилаши ҳамда транспорт воситаларининг ҳайдовчиларига қўшимча талаблар қўйиши мумкин.

### 17-м о д д а. Йўл ҳаракати хавфсизлигини тиббий жиҳатдан таъминлаш

Йўл ҳаракати хавфсизлигини тиббий жиҳатдан таъминлаш транспорт воситаларининг ҳайдовчиларини дастлабки тарзда мажбурий ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўриклардан, шу жумладан йўлга чиқиш олдидан ва йўлдан қайтганидан кейин тиббий кўриклардан ўтказиш, шунингдек йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлганда жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш, йўл ҳаракати қатнашчиларига, ички ишлар органларининг, бошқа ихтисослашган бўлинмаларнинг мансабдор шахсларига ва аҳолига йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлганда жабрланган шахсларга тиббиёт ходимлари етиб келгунга қадар ёрдам кўрсатиш усуллари вақти-вақти билан ўргатиш йўли орқали амалга оширилади.

Йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлганда жабрланганларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойнинг ўзида тиббиёт ходимлари етиб келгунга қадар ёрдам кўрсатишдан, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойнинг ўзида, даволаш-профилактика муассасасига олиб борилаётганда ва даволаш-профилактика муассасасида малакали тиббий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Тиббий кўрикларни ўтказиш ҳамда йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлганда жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш тартиби, шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш учун транспорт воситасининг саломида бўлиши шарт бўлган зарур тиббий ашёлар рўйхати, шунингдек транспорт воситаларини бошқаришни тақиқловчи, тиббиёт нуқтаи назаридан номақбул кўрсаткичлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

## 18-модда. Йўл ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш

Йўл ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш — қўлланиши стандартлар билан тартибга солинадиган ҳамда йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳалари ва схемаларида назарда тутилган бошқаришнинг техник воситаларидан ҳамда уларнинг конструкцияларидан комплекс фойдаланиш асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида йўл ҳаракатининг ягона тартиби Йўл ҳаракати қоидалари билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси йўлларида транспорт воситаларининг ўнг тарафлама қатнови белгиланади.

## 19-модда. Йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўллардаги қатновнинг хавфсиз шароитларига бўлган ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланади.

Йўл ҳаракати қатнашчиларининг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши йўл ҳаракати бошқа қатнашчиларининг ҳуқуқларини чекламаслиги ёки бузмаслиги керак.

Йўл ҳаракати қатнашчилари:

Йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ йўллар бўйлаб эркин ва монеликсиз ҳаракатланиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган ўз ҳуқуқларининг бузилиши ёки чекланиши сабаблари тўғрисида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларининг мансабдор шахсларидан тушунтиришлар олиш;

қатновнинг хавфсиз шароитлари тўғрисида, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ маҳсулот ва хизматлар сифати ҳақида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;

йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлганда бепул тиббий ёрдам кўрсатиш, қутқарув ишлари ўтказиш ва бошқа шошилиш ёрдам кўрсатиш вазифаси қонун ҳужжатларига мувофиқ зиммасига юклатилган ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ана шундай ёрдамлар олиш, қутқарув ишлари кўрсатилишига эришиш;

йўл-транспорт ҳодисаси натижасида уларнинг ўлими, тан жароҳати олиши, транспорт воситаси ва юклар ши-



кастлаиши рўй берган ҳолларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарарларнинг ўрни қопланишига эришиш, шунингдек маънавий зиён учун компенсация олиш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида фаолият олиб бораётган мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Йўл ҳаракати қатнашчилари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Йўл ҳаракати қатнашчилари:

ушбу Қонун, Йўл ҳаракати қондалари ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатлари талабларини билишлари ва уларга оғишмай риоя этишлари;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида махсус ваколатли давлат органлари мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажаришлари;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаришлари шарт.

## 20-м о д д а. **Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи**

Қуйидагиларни:

мотоцикллар, мотороллерлар ва бошқа мототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи ўн олти ёшга тўлган шахсларга берилади;

рухсат этилган энг кўп оғирлиги 3500 килограммдан ҳамда ўриндиқлар сони ҳайдовчиникидан ташқари саккизтадан ошмайдиған автомобилларни бошқариш ҳуқуқи ўн саккиз ёшга тўлган шахсларга берилади, такси бундан мустасно;

такси тариқасида фойдаланиладиган автомобилларни, шунингдек йўловчилар ташишга мўлжалланган ва ҳайдовчиникидан ташқари саккизтадан ортиқ ўриндиғи бўлган автомобилларни, трамвайлар ва троллейбусларни бошқариш ҳуқуқи йигирма бир ёшга тўлган шахсларга берилади;

транспорт воситалари составларини бошқариш ҳуқуқи ушбу қисмнинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга транспорт воситаларини бош-

қариш стажи ўн икки ойдан кам бўлмаган тақдирда берилди.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи тиббий кўриқдан ўтган ва малака имтиҳонларини топширган шахсларга бериладиган, белгиланган намунадаги гувоҳнома билан тасдиқланади.

Малака имтиҳонларини топшириш ва транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига доир гувоҳнома бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **21-м о д д а. Транспорт воситаларининг ҳайдовчиларини тайёрлашга доир талаблар**

Тегишли тоифадаги транспорт воситаларининг ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув режалари ва дастурларида назарда тутилган ҳажмда тегишли тайёргарликдан ўтган шахслар транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини олиш учун имтиҳонлар топширишига йўл қўйилади.

Мотоцикллар, мотороллерлар ва бошқа мототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини олиш учун фуқароларнинг тегишли дастурлар ҳажмида мустақил тайёргарлик кўришига йўл қўйилади.

Тегишли тоифалардаги транспорт воситаларининг ҳайдовчиларини тайёрлашнинг намунавий дастурлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

### **22-м о д д а. Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқининг бекор қилиниши**

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

ҳайдовчининг соғлиғи транспорт воситасини хавфсиз бошқаришга монелик қиладиган тарзда ёмонлашганлиги тиббий хулоса билан тасдиқланганда;

мазкур ҳуқуқдан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун маҳрум этилганда. Жавобгарлик чораси тариқасида транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўладиган ҳуқуқбузарлик турлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш суд томонидан қўлланилади.

**23-м о д д а. Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**24-м о д д а. Низоларни ҳал этиш**

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

**«ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА  
КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

**1999 йил 19 август**

**Қ А Р О Р И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1999 йил 9-сон, 216-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р  
қ и л а д и:**

1. «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳолга келтирсин, вазирликлар ва идоралар ўзларининг ушбу Қонунга зид норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ**

1999 йил 20 август

**Қ О Н У Н И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 217-модда)**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Давлат чегараси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Давлат чегараси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси (бундан буён матнда Давлат чегараси деб юритилади) — Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасини (қуруқликда, сувда, ер остида, ҳаво бўшлиғида) белгиловчи чизиқдан ва бу чизиқ бўйлаб ўтувчи вертикал сатҳдан иборат.

**4-модда. Давлат чегарасини белгилаш ва ўзгартириш принциплари**

Давлат чегарасини белгилаш ва ўзгартириш пайтида Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизликни таъ-

минлаш заруратидан келиб чиқади ҳамда қуйидаги принципларга амал қилади:

давлатларнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, давлат чегаралари дахлсизлиги ва бузилмаслигини ўзаро ҳурматлаш;

чегара масалаларини тинч йўл билан ҳал этиш;

чет эл давлатлари билан ҳар томонлама, тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш;

қўшни давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик; куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик.

### **5-модда. Давлат чегарасини белгилаш ва ўзгартириш**

Давлат чегарасини белгилаш ва ўзгартириш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади. Давлат чегараси делимитация ва демаркация (редемаркация) қилинади.

Давлат чегараси қуйидагича белгиланади:

қуруқликда — ўзига хос нуқталар, рельефнинг чизиклари ёки аниқ кўриниб турадиган жойлар бўйича;

кема қатнайдиغان дарёларда — дарёнинг асосий фарватери ёки тальвеги ўртаси бўйлаб; кема қатнамайдиган дарёларда, жилғаларда — уларнинг ўртаси ёки дарёнинг асосий ўзанининг ўртаси бўйлаб; кўллар ёки бошқа сув ҳавзаларида — Давлат чегараси кўл ёки бошқа сув ҳавзаси қирғоқларига чиққан жойларни туташтирувчи тўғри ёки бошқача чизик бўйича. Дарё, жилға, кўл ёки бошқа сув ҳавзаси орқали ўтадиган Давлат чегараси улар қирғоқларининг кўриниши ёки сув сатҳи ўзгарганда ҳам, дарё, жилға оқими у ёки бу томонга бурилганда ҳам ўзгармай қолаверади;

сув омборларида ва бошқа сунъий сув ҳавзаларида — улар сув билан тўлдирилгунга қадар Давлат чегарасининг мазкур жойдан ўтган чизигига мувофиқ равишда;

дарёлар, жилғалар, кўллар ва бошқа сув ҳавзалари орқали ўтувчи кўприкларда, тўғонлар ва бошқа иншоотларда — Давлат чегараси сувдан ўтиш-ўтмаслигидан қатъи назар, шу иншоотларнинг ўртаси ёки уларнинг технологик ўқи бўйлаб.

## 6-м о д д а. Давлат чегарасига белги қўйиш

Давлат чегараси жойларда аниқ кўриниб турадиган чегара белгилари билан кўрсатиб қўйилади.

Чегара белгиларининг шакллари, ўлчамлари уларни ўрнатиш тартиби қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан белгиланади.

Қўшни давлатлар ўртасида Давлат чегараси чизигини кўрсатиб қўйиш учун жойларда чегаранинг бутун узунлиги бўйлаб, шунингдек чегара бўйи дарёлари ва сув ҳавзалари бўйлаб чегаранинг тозалаш минтақалари белгиланади.

## 7-м о д д а. Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, ҳимоя қилиш ва қўриқлаш тадбирларининг молиявий ҳамда моддий-техникавий таъминоти

Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, ҳимоя қилиш ва қўриқлаш тадбирларини молиявий таъминлаш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, ҳимоя қилиш ва қўриқлаш тадбирларини моддий-техникавий таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган нормаларда ва тартибда амалга оширилади.

## II. ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ РЕЖИМИ

### 8-м о д д а. Давлат чегараси режимини белгилаш

Давлат чегараси режими:

Давлат чегарасини жиҳозлаш ва уни асраш устидан назорат қилиш;

Давлат чегарасининг шахслар ва транспорт воситалари томонидан кесиб ўтилиши;

Давлат чегараси орқали товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни олиб ўтиш;

Давлат чегараси орқали шахслар, транспорт воситалари, товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни ўтказиш;

Давлат чегарасида ёки унинг яқинида хўжалик фаолияти ва бошқа фаолият юритиш тартибини белгиловчи қоидалар мажмуидан иборат.

Давлат чегараси режими ушбу Қонун билан, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан белгиланади.

**9-модда. Давлат чегарасини жиҳозлаш ва уни ас-  
раш устидан назорат қилиш**

Давлат чегарасини жиҳозлаш чегара белгиларини, тозалаш минтақаларини бунёд этиш, сақлаш ва соз ҳолда бўлишини таъминлашдан, уларни назорат тарзида кўздан кечириб туришдан, шунингдек қўшни давлатлар билан биргаликда Давлат чегараси чизигининг ўтишини текшириб туришдан иборат.

Давлат чегарасини жиҳозлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара қўшинларига (бундан буён матнда чегара қўшинлари деб юритилади) Давлат чегараси чизикларига бевосита туташ ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда доимий фойдаланиш учун ажратилади.

**10-модда. Давлат чегарасининг шахслар ва транспорт воситалари томонидан кесиб ўти-  
лиши**

Давлат чегарасининг шахслар ва транспорт воситалари томонидан кесиб ўтилиши халқаро автомобиль, темир йўл, ҳаво, дарё қатнови йўлларида ёки қонун ҳужжатларида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгилаб қўйиладиган бошқа жойларда амалга оширилади.

**11-модда. Давлат чегараси орқали товарлар, бош-  
қа мол-мулк ва ҳайвонларни олиб ўтиш**

Давлат чегараси орқали товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни олиб ўтиш қонун ҳужжатларида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган жойларда ва тартибда амалга оширилади.

**12-модда. Давлат чегараси орқали ўтказиш**

Давлат чегараси орқали шахслар, транспорт воситалари, товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни ўткази-



зиш белгиланган ўтказиш пунктлари орқали амалга оширилади.

Ўтказиш пунктлари сони, жойлашган ер, шунингдек Давлат чегараси орқали ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **13-м о д д а. Давлат чегарасидаги вақтинчалик режим чекловлари**

Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Давлат чегарасини кесиб ўтиш, шунингдек жумладан унинг айрим участкаларини кесиб ўтиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда вақтинча чеклаб ёки тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ёки чет эл давлат ҳудудида ўта хавfli юқумли касалликлар тарқалиши таҳдиди бўлган тақдирда Давлат чегарасининг айрим участкаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Давлат чегарасини кесиб ўтувчи шахслар, товарлар, бошқа мол-мулк, ҳайвонлар, уруғликлар, кўчатлар ҳамда ҳайвонот ва ўсимлик олаmidан тайёрланган бошқа маҳсулотлар учун карантин ўрнатилиши мумкин.

### **14-м о д д а. Давлат чегарасида хўжалик фаолияти ва бошқа фаолият юритиш**

Ўзбекистон Республикасининг чегара бўйи дарёлари, кўллари ва бошқа сув ҳавзалари сув қисмида кемалар қатнови, сув объектларидан фойдаланиш ва сувдан бошқа тарзда фойдаланиш, сув иншоотлари қуриш, Давлат чегарасида ерлардан ва ҳайвонот олаmidан фойдаланиш, кончилик ишлари, геология-қидирув фаолияти ва бошқа фаолият юритиш қонун ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

### **15-м о д д а. Давлат чегарасини бузувчилар**

Қуйидагилар Давлат чегарасини бузувчилар деб ҳисобланади:

Давлат чегарасини Давлат чегараси орқали ўтка-

зиш пунктларидан бошқа жойдан ёки ўтказиш пунктлари орқали бўлса-да, лекин чегарани кесиб ўтиш қоидаларини бузган ҳолда ҳар қандай усул билан кесиб ўтган ёки кесиб ўтишга ҳаракат қилаётган шахслар;

чет элга кетаётган транспорт воситаларига Ўзбекистон Республикасидан ноқонуний равишда чиқиб кетиш мақсадида чиқиб олган ёки чиқиб олишга уринаётган шахслар;

Ўзбекистон Республикаси ички сувларига, шунингдек чегара бўйи дарёлари, кўллари ва бошқа сув ҳавзалари сув қисмига уларга кириш юзасидан белгиланган қоидаларни бузган ҳолда кирган чет эл ноҳарбий кемалари ва ҳарбий кемалари;

Давлат чегарасини тегишли давлат органларининг рухсатисиз кесиб ўтган ёки Давлат чегараси орқали учиб ўтиш қоидаларини бошқа тарзда бузган ҳаво кемалари ва бошқа хил учуш аппаратлари.

Давлат чегарасини тегишли рухсати бўлмаётган туриб ёки белгиланган тартибни бузган ҳолда ҳар қандай техникавий ёки бошқа хил воситалар билан кесиб ўтиш ҳам Давлат чегарасини бузиш ҳисобланади.

#### **16-м о д д а. Чегара низолари ва можароларини ҳал этиш**

Чегара низолари ва можароларини ҳал этиш қонун ҳужжатларида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **17-м о д д а. Чегара вакиллари**

Давлат чегараси режимига риоя этилишига доир масалаларни ҳал қилиш, чегара низоларини тартибга солиш мақсадида Давлат чегарасининг муайян участкаларига Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг раиси томонидан Ўзбекистон Республикасининг чегара вакиллари тайинланади.

Чегара вакилларининг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ва чет эл давлатлари ҳарбий ҳаво кемаларининг, бошқа ҳарбий объектлар ёки

ҳарбий хизматчиларнинг хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ бўлган чегара низолари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги вакиллари иштирокида ҳал этилади.

Чегара вакиллари ёки Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги вакиллари ҳал эта олмаган масалалар ва низолар дипломатик тартибда ҳал қилинади.

### III. ЧЕГАРА ОЛДИ РЕЖИМИ

#### 18-м о д д а. Чегара олди режимини белгилаш

Чегара олди режими чегара олди зонасига кириш (ундан ўтиш), у ерда бўлиш (яшаш), ҳаракатланиш ҳамда ишлар бажариш тартибини белгиловчи қоидалар мажмуини ўз ичига олади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Чегара олди зонасида чегара олди режимига риоя этилиши устидан назорат қилиш чегара қўшинлари ва ички ишлар органлари зиммасига уларнинг ваколат доирасида юкланади.

#### 19-м о д д а. Чегара олди зонаси ва чегара олди минтақаси

Чегара олди зонаси ва чегара олди минтақаси Давлат чегараси режимини таъминлаш учун белгиланади.

Чегара олди зонаси — Давлат чегарасига туташ ҳудуднинг бир қисми бўлиб, унинг доирасида чегара олди режими жорий этилади.

Чегара олди зонаси Давлат чегарасига туташ туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул ҳудуди доирасида белгиланади. Чегара олди зонаси таркибига бундай минтақа белгиланган жойдаги Ўзбекистон Республикасининг ички сувлари, чегара бўйи дарёлари, кўллари ва бошқа сув ҳавзалари сув қисми ҳамда шу сувларда жойлашган Ўзбекистон Республикаси ороллари ҳам киритилади.

Чегара олди минтақаси — чегара олди зонасининг Давлат чегараси чизигига бевосита туташ қисмидир.

Чегара олди минтақаси бевосита Давлат чегараси бўйлаб, унинг қуруқлик участкаларида ёки чегара бўйи дарёлари, кўллари ва бошқа сув ҳавзалари қирғоғи бўйлаб ўтказилади.

Чегара олди минтақасида чегара қўшинлари томонидан кириш ва чиқиш (ўтиш), бўлиш (яшаш), шахслар ва транспорт воситалари ҳаракатланишига оид қўшимча режим қондалари белгиланади.

Чегара олди зонаси ва чегара олди минтақасини белгилаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**20-модда. Шахсларнинг чегара олди зонасига ва чегара олди минтақасига кириши ва чиқиши (ўтиши), у ерда бўлиши (яшаши) ва ҳаракатланиши**

Шахсларнинг чегара олди зонасига кириши, ундан чиқиши (ўтиши), у ерда бўлиши (яшаши), агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ички ишлар органларининг рухсатномаси асосида амалга оширилади.

Чегара олди минтақасига кириш ва ундан чиқиш (ўтиш), у ерда вақтинча бўлиш (яшаш), ҳаракатланиш ва ишлар бажариш чегара қўшинларининг рухсатномаси асосида амалга оширилади.

**21-модда. Давлат чегараси олдидаги профилактик минтақа**

Хавфли юқумли касалликлар тарқалиши таҳдидидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудини муҳофаза қилиш мақсадида чегара олди минтақаси доирасида профилактик минтақа белгиланиб, у ерда чорва молларни боқиш ва сақлаш ман этилади.

Профилактика минтақасининг кенглиги, уни тўсиб қўйиш тартиби ва у ердаги режим қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**22-модда. Чегара олди минтақасида хўжалик фаолияти ва бошқа фаолият юритиш, оммавий ва бошқа маданий тадбирларни ўтказиш**

Чегара олди минтақасида ер, ўрмон, ер ости, сувлардан фойдаланган ҳолда хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятини юритиш, шунингдек оммавий ва бошқа маданий тадбирларни ўтказиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Чегара олди минтақасида чегара қўшинлари томонидан хўжалик фаолияти ва бошқа фаолият юритиш, оммавий ва бошқа маданий тадбирлар ўтказиш бўйича қўшимча режим қоидалари белгиланиши мумкин.

**23-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси кичик ҳажмли кемаларини ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш**

Ўзбекистон Республикасининг ички сувларида, чегара бўйи дарёлари, кўллари ва бошқа сув ҳавзалари сув қисмларида фойдаланиладиган кичик ҳажмли кемалар албатта ҳисобга олиниши ҳамда пристанларда, причалларда, бошқа туриш пунктларида сақланиши шарт. Ушбу кемаларнинг туриш пунктларидан чиқиши ва қайтиб келиши тартиби чегара қўшинлари томонидан белгиланади.

**24-м о д д а. Ўзбекистон Республикасининг ички сувларида, чегара бўйи дарёлари, кўллари ва бошқа сув ҳавзаларининг сув қисмларида овчилик, тадқиқот, қидирув фаолияти ва бошқа фаолият юритиш**

Ўзбекистон Республикасининг ички сувларида, чегара бўйи дарёлари, кўллари ва бошқа сув ҳавзаларининг сув қисмларида овчилик, тадқиқот, қидирув фаолияти ва бошқа фаолият юритиш чегара қўшинлари рухсатига биноан қонун ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

#### **IV. ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ ОРҚАЛИ ЎТҚАЗИШ ПУНКТЛАРИДАГИ РЕЖИМ**

**25-м о д д а. Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни белгилаш**

Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режим чегара, божхона назорати ва назоратнинг бошқа турларини амалга ошириш учун белгиланувчи ҳамда шахсларнинг, транспорт воситаларининг шу пунктларга кириши, у ерда бўлиши ва у ердан чиқиши, товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонлар олиб кирилиши, туриши

ва олиб чиқилиши, ўтказиш пунктлари ҳудудида хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилловчи қоидалар мажмуини ўз ичига олади.

Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режим Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита томонидан Давлат чегарасида назоратни амалга оширувчи барча органлар хизмат фаолиятининг зарур шароитларини сақлаб туриш мақсадида белгиланади.

**26-м о д д а. Чет эл ноҳарбий кемалари ва ҳарбий кемаларининг Ўзбекистон Республикаси ички сувларига, портларига (рейдларга) кириши ҳамда у ерда бўлиши**

Чет эл ноҳарбий кемалари ва ҳарбий кемаларининг Ўзбекистон Республикаси ички сувларига, портларига (рейдларга) кириши ҳамда у ерда бўлиши тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ белгиланади.

**27-м о д д а. Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги қўшимча режим қоидалари**

Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида бевожита чегара, божхона назорати ва назоратнинг бошқа турлари амалга ошириладиган ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган қўшимча режим қоидалари жорий этиладиган ҳудудлар, бинолар белгиланади.

**V. ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ, МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ҚУРИҚЛАШ СОҲАСИДАГИ ВАҚОЛАТЛАРИ. ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ, ҚОРҲОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ҚУРИҚЛАШДАГИ ИШТИРОКИ**

**28-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қуриқлаш соҳасидаги кучлар ва воситаларни, ўтказиладиган тadbирларни молиялаш ва ресурслар билан таъминлашни амалга оширади;

Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасида норматив ҳужжатлар чиқаради;

вазирликлар, идоралар, ижро ҳокимияти маҳаллий органларининг Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

### **29-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг ваколатлари**

Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш бўйича махсус ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитадир.

Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита:

Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашни таъминлайди;

чегара қўшинлари фаолиятини бошқаришни амалга оширади;

давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб туради;

Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашга доир масалаларда бошқа давлатларнинг тегишли чегара идоралари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади;

Давлат чегараси чизигининг ўтишини белгилашда иштирок этади;

давлат бюджетининг Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашга доир қисмини шакллантириш юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига киритади;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

### **30-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:  
Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашни таш-

қи сиёсий ва халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашни амалга оширади;

Давлат чегарасини ва унинг режимини белгилаш бўйича музокаралар олиб боради, зарур ҳужжатлар ва материаллар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириши ва Ўзбекистон Республикасидан чиқиши ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштиради;

Давлат чегараси режимига риоя этиш масалаларини, чегара низоларини белгиланган тартибда ҳал этади;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

### **31-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати:

Давлат чегараси хавфсизлигига таҳдидлар туғрисида белгиланган тартибда ахборот тақдим этади;

чегара қўшинлари билан ҳамкорликда разведка, контрразведка ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширади;

белгиланган тартибда контрабандага қарши кураш чораларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Давлат чегарасида ва чегара олди ҳудудларида ижтимоий-сиёсий, маданий ва бошқа тадбирлар ўтказилаётганда хавфсизлик таъминланишида иштирок этади;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

### **32-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:  
ҳаво бўшлиғида Давлат чегараси ҳимоя қилиниши ва қўриқланишини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг Куролли Кучлари қо-



пун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат чегарасини ҳимоя қилишда иштирок этишини таъминлайди; ўз ваколатлари доирасида ҳаво бўшлиғида юзага келган чегара низоларини ҳал этади;

Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш тадбирлари ресурс ва бошқа жиҳатдан таъминланишида чегара қўшинларига белгиланган тартибда кўмаклашади;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**33-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашга доир тадбирларни амалга оширишда чегара қўшинларига кўмаклашади;

чегара олди зонасида чегара олди режимига риоя этилиши устидан ҳамда Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларига туташ ҳудудларда ҳуқуқ-тартиботга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда ички ишлар органларининг иштирокини таъминлайди;

чегара олди ҳудудларида ҳуқуқ-тартиботнинг ҳолати тўғрисида чегара қўшинларига ахборот беради;

Давлат чегарасини ҳимоя қилишда ички қўшинлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этишини таъминлайди;

чегара қўшинларининг тақдимномасига биноан чегара олди қидирув ишлари ва операциялари ўтказилаётган пайтда, шунингдек ҳарбий хуружни қайтариш ёки Давлат чегараси орқали ноқонуний оммавий ўтишларнинг олдини олиш чоғида Давлат чегарасига яқин айрим участкалар ёки объектларга фуқароларнинг ўтишини вақтинча чеклаш ёки ман этишни таъминлайди;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**34-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашда чегара қўшинларига кўмаклашади;

Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда божхона органлари иштирокини таъминлайди;

шахслар, транспорт воситалари, товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларнинг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида божхона назоратидан ўтиши ва расмийлаштирилишини ташкил этади;

контрабандага ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бошқа тарзда бузилишига қарши курашга доир чоралар ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари ташкил этишга доир таклифларни киритади;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**35-м о д д а. Давлат чегарасида назоратни амалга оширувчи бошқа давлат бошқаруви органларининг ваколатлари**

Давлат чегарасида санитария-карантин, ветеринария, фитосанитария назоратини ҳамда назоратнинг бошқа турларини амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари:

шахслар, транспорт воситалари, товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонлар Давлат чегараси орқали ўтказишида ўз ваколатлари доирасида иштирок этадилар;

зарур ҳолларда Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида ўз хизматларини тузадилар ва улар ишини ташкил қиладилар;

Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашда чегара қўшинларига ўз ваколатлари доирасида кўмаклашадилар;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

**36-м о д д а. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

Давлат чегарасини қўриқлаш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ шароит яратиб берадилар;

Давлат чегараси эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда ер участкалари берадилар, улардан фойдаланиш устидан назоратни амалга оширадилар;

Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашда фуқаролар ихтиёрий асосда иштирок этишларига кўмаклашадилар;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

**37-м о д д а. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашдаги иштироки**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар:

чегара қўшинларига, Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинларига, шунингдек Давлат чегарасида назоратни амалга оширувчи давлат бошқарув органларига кўмаклашадилар, уларга зарур ахборот тақдим этадилар;

Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашда фуқаролар ихтиёрий асосда иштирок этишлари учун шароит яратадилар.

**38-м о д д а. Фуқароларнинг Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашдаги иштироки**

Фуқаролар чегара қўшинларига кўмаклашувчи отрядлар таркибида ва бошқа шаклларда чегара олди ҳудуди доирасида Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашда ихтиёрий асосда иштирок этадилар.

Фуқароларнинг Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашда иштирок этиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**VI. ЧЕГАРА ҚУШИНЛАРИ ВА ҲАВО ҲУЖУМИГА ҚАРШИ МУДОФАА ҚУШИНЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ҚУРИҚЛАШГА ОИД ВАКОЛАТЛАРИ**

**39-м о д д а. Чегара қўшинларининг ҳуқуқлари**

Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш чоғида чегара қўшинлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

белгиланган тартибда ўзларига берилган ер участ-

каларида зарур муҳандислик-техника иншоотлари қуриш, алоқа линиялари ва коммуникациялар қурилишини амалга ошириш, техника ва қурол-яроғларни жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш;

жойларнинг ҳар қандай участкаларида чегара нарядларини жойлаштириш ҳамда ҳаракат қилиш, транспорт воситаларини чегара нарядлари билан кузатиб бориш, транспорт воситаларини белгиланган тартибда кўздан кечириш;

қўшинга оид, разведка, контрразведка, тезкор-қидирув фаолиятни ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа фаолиятни амалга ошириш;

Давлат чегараси режимини, чегара олди режимини ёки Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузган шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий тартибда ушлаш;

маъмурий тартибда ушланган, шунингдек жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушланган шахсларни махсус жиҳозланган жойларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақлаш;

чегара қўшинлари бўлинмаларига шахсларни таклиф этиш ва уларга маълум бўлган Давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш ёки Давлат чегараси режимини, чегара олди режимини ёки Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бошқа тарзда бузиш ҳолатлари тўғрисида улардан тушунтиришлар олиш. Зарур ҳолларда юқорида кўрсатиб ўтилган қоидабузарлик ҳолатлари тўғрисидаги тушунтиришлар бошқа жойларда ҳам олиниши мумкин;

Давлат чегараси орқали ўтаётган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириш ёки ундан чиқиш ҳуқуқи тўғрисидаги ҳужжатларини текшириш, уларга тегишли белгилар қўйиш, зарурат бўлганда бу ҳужжатларни белгиланган тартибда олиб қўйиш, Ўзбекистон Республикасига кириш ёки ундан чиқиш ҳуқуқини берувчи ҳақиқий ҳужжатлари бўлмаган шахсларни улар ҳужжатларини лозим даражада расмийлаштиргунга ёки чет элда бўлган чоғида ҳужжатларини йўқотганлик ҳолатлари аниқлангунга ёки уларнинг шахси аниқлангунга қадар Давлат чегараси орқали ўтказмаслик;

манфаатдор органлар ва транспорт ташкилотлари билан ҳамкорликда Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида транспорт воситалари тўхташ (тўхтаб туриш) жойлари ва муддатларини белгилаш;

чегара олди қидирувлари ва операциялари ўтказилаётган вақтда одамларнинг соғлиғи ва ҳаётини ҳимоя қилиш мақсадида жойларнинг айрим участкаларида шахслар ва транспорт воситалари ҳаракатини чеклаш ёки ман этиш, зарур ҳолларда фуқароларни бундай ерларга киритмаслик, улардан ўша жойда туришни ёки бу участкалардан чиқиб кетишни талаб қилиш;

Давлат чегараси учун таҳдид туғилган пайтда унинг айрим участкаларида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, манфаатдор корхона, муассаса, ташкилотларни огоҳлантирган ҳолда ҳар хил ишлар олиб боришни вақтинча чеклаб қўйиш, мудофаа аҳамиятига молик ишлар ёки табиий офат ёхуд ўта хавfli юқумли касалликларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш билан боғлиқ ишлар бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бостириб киришни даф этиш, чегара олди қидирувларини ўтказиш, ҳуқуқбузарлик содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни ушлаб келиш чоғида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг ва, алоҳида ҳолларда, фуқароларнинг алоқа, транспорт воситаларидан фойдаланиб қилинган харажатлар ва етказилган зарарни эгаларига белгиланган тартибда қоплаш. Ушбу ҳуқуқ дипломатик, консуллик, чет эл давлатларининг бошқа ваколатхоналарига ва халқаро ташкилотларга тегишли алоқа ва транспорт воситаларига татбиқ этилмайди.

Чегара қўшинлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадирлар.

#### **40-модда. Чегара қўшинларининг мажбуриятлари**

Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш чоғида чегара қўшинлари қуйидагиларга мажбур:

Давлат чегараси чизигининг жойларда ҳуқуққа хилоф тарзда ўзгартирилишига йўл қўймасликка;

Давлат чегарасида ҳарбий ва бошқа фитналарнинг олдини олишга;

Давлат чегарасини ноқонуний равишда кесиб ўтилишига йўл қўймаслик, Давлат чегарасини бузувчиларни аниқлаш ва ушлашга;

Давлат чегараси режимида, чегара олди режимида ва Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги ре-

жимга риюя қилиниши устидан назоратни амалга оширишга;

шахслар, транспорт воситалари, товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларнинг Давлат чегараси орқали белгиланган тартибда ўтказилишини амалга оширишга;

Давлат чегараси орқали олиб ўтилаётган контрабанда нарсаларини ҳамда бошқа ноқонуний равишда олиб ўтилаётган товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни, шунингдек транспорт воситаларини аниқлаш ва белгиланган тартибда ушлаб қолишга;

Давлат чегараси режимини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга.

Чегара қўшинлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

#### **41-м о д д а. Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинларининг ҳаво бўшлиғида Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш бўйича ҳуқуқлари**

Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинлари ҳаво бўшлиғида Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш пайтда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш таҳдиди пайдо бўлган ёки ноқонуний кесиб ўтилган пайтда Ўзбекистон Республикаси ҳаво бўшлиғидаги ҳаво кемалари ва бошқа учиш аппаратларини аниқлаш учун ўзларида мавжуд воситалардан фойдаланиш;

вазиятни аниқлаш ҳамда ҳаво бўшлиғида Давлат чегараси ноқонуний кесиб ўтилишининг олдин олиш ёки бартараф этиш чорасини кўриш учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари бошқа турлари, давлат органлари кучлари ва воситаларини белгиланган тартибда жалб этиш;

Давлат чегарасини ҳаво бўшлиғида ноқонуний кесиб ўтиш таҳдиди пайдо бўлган ёки ноқонуний кесиб ўтилганда ёхуд парвозлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳаво бўшлиғининг айрим районларида ҳаво кемалари ва бошқа учиш аппаратлари парвозини ман этиш ёки чеклаш;

Ўзбекистон Республикаси ҳаво бўшлиғида Давлат чегараси ноқонуний кесиб ўтилиши ҳолатларини аниқлашда иштирок этиш.

**42-м о д д а. Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинларининг ҳаво бўшлиғида Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш бўйича мажбуриятлари**

Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинлари Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш пайтида қуйидагиларга мажбурдирлар:

ҳаво кемалари ва бошқа учиш аппаратлари Давлат чегарасини кесиб ўтиш қоидаларига риоя этиши устидан назорат қилишга;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтган ёки ҳаво бўшлиғидан фойдаланиш тартибини бузган ҳаво кемалари ва бошқа учиш аппаратларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида парвозини белгиланган тартибда тўхтатишга;

форс-мажор вазияти ҳолларида ҳаво кемалари ва бошқа учиш аппаратларига ёрдам кўрсатишга.

**43-м о д д а. Қурол ва ҳарбий техникани қўллаш**

Чегара қўшинлари, Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинлари Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш пайтида қуйидаги мақсадларда қурол ва ҳарбий техникани қўллайдилар:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қуролли бостириб киришни даф этиш;

Давлат чегарасидаги ҳарбий фитналарнинг олдини олиш;

транспорт воситаларини йўловчиларсиз чет элга олиб қочишга уриниш ҳолларининг олдини олиш.

Қурол ва ҳарбий техника Давлат чегарасини бузувчилар куч ишлатган ҳолларда уларга қарши жавоб сифатида ёки қондабузарликнинг олдини олиш ёхуд қондабузарларни бошқа воситалар билан ушлашнинг иложи бўлмаган ҳолларда ҳам қўлланилади.

Зарур ҳолларда Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари бошқа қўшинларининг қурол ва ҳарбий техникаси қўлланилиши мумкин.

Қурол ва ҳарбий техникани қўллаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

## 44-м о д д а. Махсус воситаларни қўллаш

Давлат чегарасида ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларни бартараф этиш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда махсус воситалар қўлланилишига йўл қўйилади.

## VII. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

45-м о д д а. Давлат чегараси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Давлат чегараси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

46-м о д д а. Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашда иштирок этувчи давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилиш

Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашда иштирок этаётган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан бевожуда судга ёки тобелик бўйича юқори турувчи давлат органи ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. КАРИМОВ



## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

### **ОЛИЙ МАЖЛИСИНING**

**1999 йил 20 август**

### **Қ А Р О Р И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 218-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р  
қ и л а д и:**

1. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2000 йилнинг 1 январидан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Ўзбекистон Республикасининг қонунларини «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳолга келтириш тўғрисидаги таклифларни тақдим этсин;

ҳукумат қарорларини «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳолга келтирсин;

вазирликлар ва идоралар ўзларининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1999 йил 20 август

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 219-модда)

1-м о д д а. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади телекоммуникацияларни яратиш, ишлатиш ва ривожлантириш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

2-м о д д а. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**телекоммуникациялар** — сигналлар, белгилар, матнлар, тасвирлар, товушлар ёки ахборотнинг бошқа турларини ўтказгичли, радио, оптик ёки бошқа электромагнит тизимларидан фойдаланган ҳолда узатиш, қабул қилиш, қайта ишлаш;

**телекоммуникациялар тармоғи** — узатишларнинг бир ёки бир неча турини: телефон, телеграф, факсимиль турларини, маълумотлар узатиш ва ҳужжатли хабарларнинг бошқа турларини, телевизион ва радиоэшиттириш дастурларини трансляция қилишни таъминловчи телекоммуникация воситаларининг мажмуи;

**телекоммуникация воситалари** — электромагнит ёки оптик сигналларни ҳосил қилиш, узатиш, қабул қилиш, қайта ишлаш, коммутация қилиш ҳамда уларни бошқариш имконини берувчи техник қурилмалар, асбоб-ускуналар, иншоотлар ва тизимлар;

**телекоммуникация иншоотлари** — телекоммуникация тармоқлари ва воситаларининг ишлаши ҳамда улардан фойдаланишни таъминловчи биналар, қурилмалар, телекоммуникация линиялари, мосламалар, таянчлар, мачталар ва бошқа иншоотлар;

**охирги (терминал) асбоб-ускуналар** — телекоммуникациялар тармоқлари билан ҳамкорлик қилувчи ҳамда

телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган ёки қабул қилинадиган сигналларни ҳосил қилиш, ўзгартириш, қайта ишлашга мўлжалланган фойдаланувчиларнинг техник воситалари (телефон, факсимиль, радио-телеприемниклар ва бошқа қурилмалар);

**тармоқлараро уланишлар** — телекоммуникация тармоқларининг ўзаро технологик ҳамкорлиги бўлиб, у турли телекоммуникациялар операторларининг фойдаланувчилар ўртасида ахборотни узатиш ва қабул қилишни таъминлайди;

**телекоммуникациялар оператори** (бундан буён матнда оператор деб юритилади) — мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида телекоммуникациялар тармоғига эга бўлган, унинг ишлаши, ривожланишини таъминловчи ва телекоммуникация хизматлари кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахс;

**телекоммуникация хизматлари провайдери** (бундан буён матнда провайдер деб юритилади) — фойдаланувчиларга операторлар тармоғи орқали тижорат асосида телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахс;

**телекоммуникациялар хизматлари** — оператор ва провайдернинг сигналлар ҳамда бошқа ахборот турларини телекоммуникация тармоқлари орқали қабул қилиш, узатиш, қайта ишлашга доир фаолияти маҳсули;

**рақамлаш тизими** — операторлар, провайдерлар ва фойдаланувчиларнинг охириги (терминал) асбоб-ускуналари ўртасида рақамларни тақсимлаш ва уларга рақам (рақамлар ёки белгилар комбинациясини) бериш тартиби;

**рақамлаш режаси** — операторлар, провайдерлар ва фойдаланувчиларнинг охириги (терминал) асбоб-ускуналари ўртасидаги аниқ рақамларнинг берилиши;

**телекоммуникациялар хизматларидан фойдаланувчи** (бундан буён матнда фойдаланувчи деб юритилади) — телекоммуникациялар хизматларининг истеъмолчиси ҳисобланган юридик ёки жисмоний шахс;

**универсал хизматлар** — умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқлари орқали барча фойдаланувчиларга кўрсатиладиган белгиланган сифатдаги мажбурий хизматлар тўплами (фойдаланувчиларнинг бу тармоқдан фойдаланишини таъминлаш, маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари, телеграммалар жўнатиш ва бошқалар).

### **3-модда. Телекоммуникациялар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Телекоммуникациялар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Телекоммуникациялар тармоқларининг мудофаа, миллий хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартибот органлари эҳтиёжлари учун ишлаши билан боғлиқ муносабатлар алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникациялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### **4-модда. Телекоммуникация тармоқларига доир мулкчилик**

Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация тармоқлари оммавий ёки хусусий мулкда бўлиши мумкин.

Телекоммуникация тармоқларининг барча мулкдорлари тенг ҳуқуқларга эга ва қонунда кафолатланган тенг ҳимоядан фойдаланадилар.

### **5-модда. Телекоммуникация тармоқларининг ерлари**

Телекоммуникация иншоотлари ва объектларидан фойдаланиш, уларни сақлаш, қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш бўйича ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун операторларга доимий фойдаланишга бериб қўйилган ерлар телекоммуникация тармоқларининг ерлари ҳисобланади.

Телекоммуникациялар фаолиятини таъминлаш учун ерлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади.

Телекоммуникацияларнинг кабел, радиореле ва ҳаво тармоқларидан фойдаланишни таъминлаш мақсадида муҳофаза тегралари белгиланади.

Муҳофаза теграларини ўрнатиш тартиби, уларнинг ўлчамлари, мазкур мақсадлар учун ажратилган ерлардан фойдаланиш режими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

## 6-м о д д а. Телекоммуникация тармоқлари

Телекоммуникация тармоқлари белгиланган мақсадига кўра умумий фойдаланишдаги, идоравий ва ажратилган телекоммуникациялар тармоқларига бўлинади.

Телекоммуникация хизматлари кўрсатишнинг ягона принциплари, уларни тақдим этиш ва ҳақ тўлашнинг тартиби асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга телекоммуникация хизматларини кўрсатиш учун мўлжалланган телекоммуникациялар тармоғи умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоқларига киради. Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғида телекоммуникация хизматлари кўрсатиш қондалари телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ишлаб чиқариш ва махсус эҳтиёжлари учун мўлжалланган, уларнинг ихтиёрида бўлган ва улар томонидан фойдаланиладиган телекоммуникациялар тармоқлари идоравий телекоммуникациялар тармоқларига киради. Идоравий телекоммуникация тармоқлари бошқа фойдаланувчиларга телекоммуникация хизматларини кўрсатиш учун ҳам ишлатилиши мумкин.

Ажратилган телекоммуникация тармоқлари жумласига фойдаланувчиларнинг муайян доирасига хизматлар кўрсатиш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг тижорат мақсадларида яратган телекоммуникация тармоқлари киради.

Идоравий ва ажратилган телекоммуникация тармоқларининг операторлари томонидан хизматлар кўрсатиш қондалари ушбу телекоммуникацияларнинг операторлари ёки провайдерлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 7-м о д д а. Телекоммуникациялар соҳасида давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш

Телекоммуникациялар соҳасида давлат томонидан тартибга солиш лицензиялаш, сертификатлаш, солиқ солиш, ягона илмий-техника сиёсатини шакллантириш йўли билан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа воситалар орқали амалга оширилади.

Телекоммуникациялар соҳасида давлат томонидан

бошқарув телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

## 8-м о д д а. Телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли орган

Телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли орган:

телекоммуникациялар соҳасида давлат сиёсатини юритади;

телекоммуникацияларни ривожлантириш миллий дастурларини ишлаб чиқади;

телекоммуникациялар соҳасида стандартлар, нормалар ва қоидаларни ишлаб чиқади;

юридик ва жисмоний шахсларнинг телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятини лицензиялашни амалга оширади;

телекоммуникациялар хизматларининг айрим турлари, шунингдек тармоқлараро уланишлар тарифларини тартибга солади;

операторлар ва провайдерларнинг фаолият кўрсатиши учун тенг шароитлар яратилишига кўмаклашади;

телекоммуникациялар техник воситаларининг сертификатланишига доир ишларни ташкил этади;

телекоммуникация хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга кўмаклашади;

операторлар ва провайдерларнинг телекоммуникациялар тармоқларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфатларини ҳимоя қилади, операторлар, провайдерлар ва фойдаланувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар масалаларини кўриб чиқади;

телекоммуникациялар тармоқларини рақамлаш тизимини ишлаб чиқади ва рақамлаш режасини бошқаришни амалга оширади;

телекоммуникациялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлайди;

давлат бошқаруви органлари, операторлар ва провайдерларнинг телекоммуникациялар тармоқлари ва хизматларини ривожлантириш масалаларига доир фаолиятини мувофиқлаштиради;

кадрларни ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этади;

телекоммуникациялар соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли органнинг ўз ваколати доирасида қабул қилган норматив ҳужжатлари барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

### **9-м о д д а. Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш**

Юридик ва жисмоний шахсларнинг телекоммуникациялар соҳасидаги айрим фаолият турлари махсус рухсатномалар (лицензиялар) асосида амалга оширилади.

Телекоммуникациялар қўйидаги турларининг, яъни: маҳаллий тармоқлар; шаҳарлараро тармоқлар; халқаро тармоқлар; кўчма радиотелефон алоқа тармоқлари; шахсий радиочақирув тармоқлари; маълумотлар узатиш тармоқлари; телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (трансляция қилиш) тармоқлари лойиҳалаштирилиши, қурилиши, улардан фойдаланиш ва уларнинг хизматлар кўрсатиши лицензияланиши шарт.

Телекоммуникациялар соҳасида муайян фаолият турини амалга ошириш учун бериладиган лицензиялар намунавий ёки якка тартибда бўлиши мумкин.

Юридик ва жисмоний шахсларга телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш учун ягона талаблар ва шартлар асосида бериладиган лицензиялар намунавий лицензиялар ҳисобланади.

Юридик ва жисмоний шахсларга телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш учун алоҳида талаблар ва шартлар асосида бериладиган лицензиялар якка тартибдаги лицензиялар ҳисобланади.

Лицензияларни бериш тартиби ва шартлари, уларнинг амал қилиш муддатлари, амал қилишини тўхтатиш ёки тугатиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Телекоммуникациялар соҳасидаги айрим фаолият турлари учун лицензиялар бериш танлов (тендер) асо-

сида амалга оширилиши мумкин. Танловлар (тендерлар)ни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Лицензияларнинг эгалари қонун ҳужжатларини бузганлари тақдирда лицензиялар тўхталиши ёки бекор қилиниши мумкин.

### **10-модда. Телекоммуникациялар соҳасида сертификатлаш**

Телекоммуникацияларнинг барча техник воситалари, шу жумладан Ўзбекистон Республикасидаги телекоммуникация тармоқларида фойдаланиладиган охириги (терминал) асбоб-ускуналар белгиланган стандартларга, техник шартларга ва қонун ҳужжатларига биноан бошқа нормаларга мувофиқлиги юзасидан сертификатланиши лозим.

### **11-модда. Телекоммуникация тармоқларини рақамлаш тизими ва режаси**

Телекоммуникациялар тармоқларини рақамлаш тизими ва режаси телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

Рақамлаш ресурсларини ҳисобга олиш, тартибга солиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

Рақамлаш ресурсларидан операторлар ва провайдерларнинг фойдаланиши пуллидир. Рақамлаш ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақларнинг миқдорлари ва уларни тўлаш тартиби, шунингдек уларга доир имтиёзлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **12-модда. Рақобат ва монополия фаолиятини чеклаш**

Телекоммуникациялар соҳасида инвестиция фаолиятини амалга оширувчи операторлар, провайдерлар, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек асбоб-ускуналарни тайёрловчилар ва етказиб берувчилар телекоммуникация тармоқларини ҳамда хизматлар бозорини ташкил этиш ва ривожлантиришда қатнашишнинг тенг имконини қўлга киритадилар.



Телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли орган монополияга қарши давлат органи билан бирга-ликда телекоммуникациялар соҳасида рақобатни ривож-лантиришга кўмаклашади, фирром рақобат ҳолларига барҳам бериш ва монопол фаолиятини чеклаш юзаси-дан қонун ҳужжатларида белгиланган чора-тадбирлар-ни кўради.

Фирром рақобат, фойдаланувчиларнинг манфаатлари-ни камситиш, рақобатга тўсиқ бўлувчи ёки уни чеклов-чи бошқа бирор-бир хатти-ҳаракатларга йўл қўйганлик учун операторлар ва провайдерлар қонун ҳужжатлари-да белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

### **13-м о д д а. Телекоммуникацияларнинг универсал хиз-матлари**

Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқ-ларининг операторлари ва провайдерлари лицензия асо-сида барча фойдаланувчиларга чекланмаган тарзда те-лекоммуникацияларнинг универсал хизматларини белги-ланган сифатда кўрсатадилар.

Универсал хизматларнинг рўйхати ва уларнинг си-фатига доир талаблар телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

### **14-м о д д а. Телекоммуникация хизматларига доир тарифлар**

Телекоммуникация хизматларига доир тарифлар бун-дай хизматни кўрсатиш учун кетган харажатларни ҳи-собга олган ҳолда шартнома асосида қонун ҳужжатла-рига мувофиқ белгиланади.

Телекоммуникацияларнинг универсал хизматлари учун тарифлар фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳи-собга олган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда телекоммуникациялар соҳасидаги махсус вако-латли орган томонидан тартибга солиб турилади.

Фавқулодда тезкор хизматларни (ёнғинга қарши, ми-лиция, тез тиббий ёрдам, газ тармоғининг авария хиз-мати ва бошқа хизматларни) чақириш фойдаланувчи-лар томонидан бепул амалга оширилади. Фавқулодда тезкор хизматларнинг рўйхати қонун ҳужжатлари би-лан белгиланади.

**15-модда. Телекоммуникация тармоқлари орқали узатиладиган телефон сўзлашувлари, телеграф ва бошқа хабарларнинг сир тутилиши**

Телекоммуникация тармоқлари орқали узатиладиган телефон сўзлашувлари, телеграф ва бошқа хабарларнинг сир тутилишини бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Барча операторлар ва провайдерлар ушбу сўзлашувлар ва хабарларнинг сир тутилишига риоя этилишини таъминлашлари шарт.

Телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган хабарлар тўғрисидаги маълумот, шунингдек хабарларнинг ўзи фақат бундай хабарларни жўнатувчилар ва уларни олувчиларга ёки уларнинг қонуний вакилларига берилиши мумкин.

Телекоммуникация тармоқлари орқали узатиладиган телефон сўзлашувларини эшитишга, хабарлар билан танишишга, улар тўғрисида маълумотлар олишга, шунингдек сўзлашувлар ва хабарларнинг сир тутилишини бошқача чеклашларга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

Ушбу модда қондаларининг бузилишига йўл қўйган мансабдор ва бошқа шахслар қонунга мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

**16-модда. Телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларини ривожлантириш ҳамда қайта қуриш**

Телекоммуникация тармоқлари ва воситаларини ривожлантириш ҳамда қайта қуриш уларнинг эгалари томонидан ўз маблағлари, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Умумдават вазифаларини ҳал қилишга мўлжалланган телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларини ривожлантириш ҳамда қайта қуриш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқландиган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда молиялаштириладиган ривожлантириш миллий дастурлари асосида амалга оширилади.

**15-модда. Телекоммуникация тармоқлари орқали узатиладиган телефон сўзлашувлари, телеграф ва бошқа хабарларнинг сир тутилиши**

Телекоммуникация тармоқлари орқали узатиладиган телефон сўзлашувлари, телеграф ва бошқа хабарларнинг сир тутилишини бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Барча операторлар ва провайдерлар ушбу сўзлашувлар ва хабарларнинг сир тутилишига роя этилишини таъминлашлари шарт.

Телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган хабарлар тўғрисидаги маълумот, шунингдек хабарларнинг ўзи фақат бундай хабарларни жўнатувчилар ва уларни олувчиларга ёки уларнинг қонуний вакилларига берилиши мумкин.

Телекоммуникация тармоқлари орқали узатиладиган телефон сўзлашувларини эшитишга, хабарлар билан танишишга, улар тўғрисида маълумотлар олишга, шунингдек сўзлашувлар ва хабарларнинг сир тутилишини бошқача чеклашларга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

Ушбу модда қоидаларининг бузилишига йўл қўйган мансабдор ва бошқа шахслар қонунга мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

**16-модда. Телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларини ривожлантириш ҳамда қайта қуриш**

Телекоммуникация тармоқлари ва воситаларини ривожлантириш ҳамда қайта қуриш уларнинг эгалари томонидан ўз маблағлари, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Умумдават вазифаларини ҳал қилишга мўлжалланган телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларини ривожлантириш ҳамда қайта қуриш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқландиган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда молиялаштириладиган ривожлантириш миллий дастурлари асосида амалга оширилади.

Телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларини ривожлантириш ҳамда қайта қуриш лойиҳаларини амалга оширишда қатнашувчи юридик ва жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиққа оид ва бошқа имтиёзлар берилиши мумкин.

Шаҳарлар, шаҳарчалар ва бошқа аҳоли пунктлари, турар-жой районлари ва мажмуалари, алоҳида бинолар ва иншоотларни лойиҳалаш ҳамда ривожлантириш пайтида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари белгиланган нормативларга мувофиқ телекоммуникация воситаларини жойлаштириш учун бинолар ёки алоҳида хоналар қуришни назарда тутишлари керак.

Юридик ва жисмоний шахслар бинолар ва телекоммуникация иншоотларини шу мақсад учун берилган ер участкаларида белгиланган тартибда барпо этишга, шунингдек бинолар ва иншоотларнинг томларига (таянчлар, кўприклар, коллекторлар, ер ости йўллари ва бошқа иншоотларга) ушбу ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг мулкдорлари (эгалари, ижарачилари) билан келишилган ҳолда телекоммуникациялар воситаларини ўрнатиш ва хизмат кўрсатишга ҳақлидирлар.

Аҳоли пунктлари ва айрим бинолар, йўллар, кўприклар ва бошқа объектларни янгидан қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш, янги ерларни ўзлаштириш, мелиорация тизимларини ўзгартириш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш туфайли телекоммуникация воситаларини кўчириш ёки қайта қуриш қурилишнинг буюртмачиси томонидан ўз маблағлари ҳисобига операторлар ва провайдерларнинг техник шартлари бўйича амалга оширилади.

Телекоммуникацияларнинг мавзе ичкарасидаги тармоқлари ва иншоотлари қурилишнинг буюртмачилари томонидан лойиҳалаштирилади ва барпо этилади.

## 17-м о д д а. Тармоқлараро уланишлар

Тармоқлараро уланишлар телекоммуникация турли тармоқларининг фойдаланувчилари ўртасида ахборот узатиш ва қабул қилиш учун амалга оширилади.

Операторлар ва провайдерлар ўз тармоқларига бошқа операторлар ва провайдерларнинг тенг ҳуқуқли асосда кира олишларини таъминлашлари шарт.

Операторлар ва провайдерлар амалдаги нормалар ва қоидаларга мувофиқ қабул қилинадиган, улаётган те-

лекоммуникация тармоғи операторнинг техник шартларига кўра тармоқлараро уланишни таъминлашлари шарт.

Тармоқлараро уланишлар тегишли телекоммуникация тармоқларининг операторлари ва провайдерлари ўртасида шартномалар асосида амалга оширилади.

Телекоммуникация тармоқларини улаш, операторлар томонидан ўзаро хизмат кўрсатиш ва улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби ва шартлари телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

**18-модда. Операторлар ва провайдерларнинг тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар билан ўзаро муносабатлари**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш кўраётган операторлар ва провайдерлар тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар телекоммуникация тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиши учун фойдаланиладиган асбоб-ускуналарни ўз маблағлари ҳисобидан ўрнатишлари ва уларнинг ишлашини таъминлашлари, шунингдек ушбу тадбирларни ўтказишнинг ташкилий ва тактик усуллари ошкор этилишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўришлари шарт.

Телекоммуникация тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун ишлатиладиган техник воситалар ва асбоб-ускуналарнинг миқдори ва таркибининг операторлар ва провайдерлар тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар билан келишиб оладилар.

Телекоммуникация тармоқлари ёки воситаларидан шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар келтирувчи жиноий мақсадларда фойдаланилган тақдирда бундай телекоммуникация тармоқлари ва воситаларининг фаолият кўрсатиши тўхтатилади.

**19-модда. Фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш**

Фавқулодда ҳолатларда (ҳарбий ҳаракатлар, zilзилалар, сув тошқинлари, ёнғинлар, эпидемиялар ва бошқалар) телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли орган телекоммуникацияларнинг ҳар қандай тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш, шу-

нингдек уларнинг ишлашнинг чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

Операторлар ва провайдерлар аҳолини фавқулодда ҳолатлар хавфидан хабардор қилишни ташкил этиш учун зарур бўлган воситалар ўрнатилишини ва улардан фойдаланишни таъминлашлари шарт.

Фавқулодда ҳолатларда телекоммуникация тармоқлари ва воситаларидан фойдаланиш пайтида операторлар ва провайдерлар кўрган зарарлар давлат бюджети ҳисобидан қопланади.

Операторлар ва провайдерлар одамларнинг денгиздаги, ердаги, ҳаводаги, космик фазодаги хавфсизлигига, мудофаа, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни сақлаш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар ўтказишга тааллуқли барча хабарларга, шунингдек йирик авариялар, фалокатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолатлар ҳақидаги хабарларга мутлақ устуворлик беришлари лозим.

## **20-м о д д а. Телекоммуникация тармоқларида рўй берган ҳодисалар оқибатларини бартараф этиш**

Телекоммуникация тармоқларида рўй берган ҳодисалар (авариялар, шикастланишлар) оқибатларини бартараф этиш ушбу тармоқларнинг операторлари томонидан амалга оширилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари операторларга телекоммуникация тармоқларида рўй берган ҳодисалар оқибатларини бартараф этишда кўмаклашадилар.

Телекоммуникация тармоқларида рўй берган ҳодисаларнинг оқибатларини бартараф этиш ишларини бажариш телекоммуникация воситалари жойлашган ер участкаси, бино ёки иншоот мулкдори (эгаси, ижарачиси)нинг розилиги олиншини талаб этмайди. Ҳодисалар оқибатларини бартараф этиш натижасида мулкдорга (эгасига, ижарачига) етказилган зарарлар тегишли оператор томонидан қопланиши керак.

Телекоммуникация тармоқларида юридик ва жисмоний шахсларнинг айби билан рўй берган ҳодисалар натижасида операторлар ва провайдерларга етказилган зарарлар ушбу шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

## 21-м о д д а. Операторлар ва провайдерларнинг ҳуқуқлари

Операторлар ва провайдерлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фойдаланувчиларга хизматлар кўрсатиш;

фойдаланувчилар телекоммуникациялардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини бузган тақдирда уларга хизмат кўрсатишни тўхтатиш;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг айби билан юзага келган зарарларни қоплаттириш;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан қонун ҳужжатларига мувофиқ шикоят қилиш.

Операторлар ва провайдерлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## 22-м о д д а. Операторлар ва провайдерларнинг мажбуриятлари

Операторлар ва провайдерлар қуйидагиларга мажбурдир:

телекоммуникация соҳасидаги фаолиятни лицензиядаги шартларга ва белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга ошириш;

кўрсатилаётган хизматлар сифати белгиланган стандартлар, қоидалар ва нормаларга мувофиқ бўлишини таъминлаш;

телекоммуникация тармоқлари орқали узатиладиган телефон сўзлашувлари, телеграф ва бошқа хабарлар сир тутилишига рўя қилиш;

хизматлар кўрсатиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги, шу жумладан телекоммуникация хизматлари тарифларининг ўзгарганлиги тўғрисидаги батафсил ахборотни фойдаланувчиларга ўз вақтида тақдим этиш;

телекоммуникация хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун, шунингдек хизматлар кўрсатмаганлик ёки лозим даражада сифатли хизматлар кўрсатмаганлик оқибатида фойдаланувчиларга етказилган зарарларни қонун ҳужжатларига мувофиқ қоплаш.

Операторлар ва провайдерлар зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## 23-м о д д а. **Фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари**

Фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:  
умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқ-  
лари хизматларидан фойдаланиш;

умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқ-  
ларига ўзининг охириги (терминал) асбоб-ускуналарини  
қонун ҳужжатларида белгиланган шартларда ва тар-  
тибда улаш;

операторлар ва провайдерлар томонидан белгилан-  
ган қоидаларга мувофиқ ўз вақтида ва сифатли хизмат  
кўрсатилишидан фойдаланиш;

оператор ва провайдер шартномада келишилган шарт-  
ларни бузган тақдирда телекоммуникация хизматлари-  
ни рад этиш;

телекоммуникация хизматлари кўрсатмаганлик ёки  
лозим даражада сифатли хизмат кўрсатмаганлик нати-  
жасида етказилган зарарларни тўлаттириш, маънавий  
зиённи қоплатиш;

ўз ҳуқуқлари бузилган тақдирда ваколатли давлат  
органларига ёки судга мурожаат қилиш.

Фойдаланувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ  
бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

## 24-м о д д а. **Фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари**

Фойдаланувчилар қуйидагиларга мажбурдирлар:  
телекоммуникация хизматларидан фойдаланишнинг  
белгиланган қоидаларига риоя этиш;

белгиланган стандартларга мувофиқ сертификатга  
эга бўлган охириги (терминал) асбоб-ускуналардан фой-  
даланиш;

ўзларига кўрсатилган хизматлар учун ҳақни ўз вақ-  
тида тўлаш;

иш сифатини пасайтиришга ёки телекоммуникация  
тармоқларини шикастлантиришга қаратилган хатти-ҳа-  
вакатлар қилмаслик.

Фойдаланувчилар зиммасида қонун ҳужжатларига  
мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## 25-м о д д а. **Телекоммуникация хизматларидан фой- даланиш чоғидаги имтиёзлар ва устун- ликлар**

Қонун ҳужжатларида фуқароларнинг айрим тоифа-



ларига телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш борасида имтиёзлар белгиланиши мумкин.

Фуқароларнинг айрим тоифаларига телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш борасида белгиланган имтиёзлар берилиши муносабати билан оператор ва провайдерларнинг маблағларини қоплаш қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Давлат органлари мансабдор шахсларининг айрим тоифаларига, хорижий давлатлар дипломатик ва консуллик вакилларига, халқаро ташкилотларнинг вакилларига, шунингдек фуқароларнинг айрим тоифаларига телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш чоғида навбатда туриш ва фойдаланиш масаласида устунликлар белгиланиши мумкин.

Телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш чоғида устунликлар бериладиган мансабдор шахслар, ташкилотлар ва фуқаролар тоифаларининг рўйхати ҳамда телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

#### **26-м о д д а. Телекоммуникация воситаларини қўриқлаш**

Телекоммуникация воситаларини қўриқлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Телекоммуникация воситаларига шикаст етказилишига, уларга рухсатсиз уланишга йўл қўйган юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

#### **27-м о д д а. Низоларни ҳал этиш**

Операторлар, провайдерлар ва фойдаланувчилар ўртасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

#### **28-м о д д а. Телекоммуникациялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Телекоммуникациялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ

1999 йил 20 август

Қ А Р О Р И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 220-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р  
ж и л а д и:

1. «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар ўзларининг ушбу Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

**АҲОЛИНИ ВА ҲУДУДЛАРНИ ТАБИЙ ҲАМДА ТЕХНОГЕН  
ХУСУСИЯТЛИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА  
ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ**

1999 йил 20 август

**Қ О Н У Н И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 221-модда)**

**І. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1-м о д д а. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонун аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан (бундан буён матнда фавқулодда вазиятлар деб юритилади) муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши ва ривожланишининг олдини олиш, фавқулодда вазиятлар келтирадиган талафотларни камайтириш ва фавқулодда вазиятларни бартараф этишни мақсад қилиб қўяди.

**2-м о д д а. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**фавқулодда вазият** — одамлар қурбон бўлиши, уларнинг соғлиғи ёки атроф табиий муҳитга зарар етиши, жиддий моддий талафотлар келтириб чиқариши ҳамда одамлар ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса, табиий ёки бошқа офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган вазият;

**аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш** — фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чоралари, усуллари, воситалари тизими, саъй-ҳаракатлари мажмуи;

**фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш** — олдиндан ўтказилиб, фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфини имкон қадар камайтиришга, бундай вазиятлар рўй бер-

ган тақдирда эса, одамлар соғлиғини сақлаш, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга қаратилган тадбирлар комплекси;

**фавқулодда вазиятларни бартараф этиш** — фавқулодда вазиятлар рўй берганда ўтказилиб, одамлар ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга, шунингдек фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарни ҳалқага олиб, хавфли омиллар таъсирини тугатишга қаратилган авария-қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишлар комплекси.

### **3-м о д д а. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари**

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### **4-м о д д а. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг асосий принциплари**

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

инсонпарварлик, инсон ҳаёти ва соғлиғининг устуворлиги;

ошкоралик;

ахборотнинг ўз вақтида берилиши ва ишончли бўлиши;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш чораларининг олдиндан кўрилиши.

## **5-м о д д а. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборот**

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборот, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ошқора бўлади.

Давлат ҳокимият ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари аҳолининг ва ҳудудларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланиш ҳолати ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан кўрилган чоралар ҳақида, олдиндан башорат қилинаётган ва рўй берган фавқулодда вазиятлар тўғрисида, улардан аҳолини муҳофаза қилишнинг усул ва йўллари ҳақида оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа каналлар орқали аҳолини ўз вақтида ва ишончли тарзда хабардор этишлари шарт.

Мансабдор шахслар томонидан аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборотнинг яширилиши, ўз вақтида тақдим этилмаслиги ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этилиши уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлигига сабаб бўлади.

Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборот билан таъминлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

## **II. ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ**

### **6-м о д д а. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими**

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг, вазирлик ва идораларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг бошқарув органлари, кучлари ҳамда воситаларидан иборат.

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими таркиби ва фаолият кўрсатиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**7-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар давлат резервлари яратилишини таъминлайди ҳамда улардан фойдаланиш тартибини белгилайди;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга оид кучлар ва воситаларни молия ҳамда ресурс жиҳатидан таъминлашни, уларни махсус техника ва бошқа моддий-техника воситалари билан жиҳозлашни амалга оширади;

Фавқулодда вазиятлар таснифини тасдиқлайди ҳамда уларни бартараф этишда ижро ҳокимияти органлари иштироки даражасини белгилайди;

вазирликлар, идоралар, ижро ҳокимияти маҳаллий органларининг аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларини амалга оширади.

**8-м о д д а. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича махсус ваколатли давлат бошқарув органи**

Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича махсус ваколатли давлат бошқарув органи Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, бундай вазиятларда аҳоли ҳаёти ва соғлиғини, моддий ва маданий бойликларни муҳофаза қилиш, шунингдек фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ва зарарини камайтириш юзасидан чоралар ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида махсус дастурлар ишлаб чиқилиши ва илмий тадқиқотлар амалга оширилишини ташкил этади;

Ўз ваколоти доирасида вазирлик ва идоралар, корхона, муассаса ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади;

бошқарув органларининг, аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш кучлари ва воситаларининг фавқулодда вазиятлар шароитида ҳаракат қилишга тайёр бўлишини ташкил этади;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш кучлари ва воситалари бошқарувини амалга оширади, бошқарув пунктлари, хабар бериш ва алоқа тизимларини тузади;

фавқулодда вазиятлар шароитида авария-қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишлар ўтказилишини ташкил этади;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирлари бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектлар бўйича лойиҳалар ва қарорлар юзасидан давлат экспертизаси ўтказилишида иштирок этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

### **9-модда. Вазирликлар ва идораларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари**

Вазирликлар ва идоралар фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида:

Ўз тасарруфидаги корхона, муассаса ва ташкилотларнинг фавқулодда вазиятлар шароитида ҳаракат қилишга шай бўлиб туришини таъминлашлари;

тармоқнинг ва ўз тасарруфидаги объектларнинг фавқулодда вазиятлар шароитида барқарор ишлаш имкониятини ошириш тадбирларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар режасини, низомлар, қондалар ва йўриқномаларни келишиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига тақдим этишлари;

Ўз тасарруфидаги объектлар ходимларини ҳарбийлаштирилмаган тузилмалар таркибида фавқулодда вазиятларда муҳофазаланиш усулларига ва ҳаракат қилишга ўргатишлари;

фавқулодда вазиятлар тўғрисида хабар бериш маҳаллий тизимларини яратишлари ва уларни доимо шай ҳолатда сақлаб туришлари;

аҳолининг ва ҳудудларнинг муҳофазаланиш ҳолати тўғрисида белгиланган тартибда ахборот беришлари, шунингдек тармоқ ходимларини фавқулодда вазият таҳдиди борлиги тўғрисида хабардор қилишлари;

моддий ва молиявий ресурслар резервларини яратишлари;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш режаларига мувофиқ ўз тасарруфидаги ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларда ҳамда уларга туташ ҳудудларда авария, қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишлар ташкил этилиши, молияланиши ва ўтказилишини таъминлашлари;

ўта муҳим объектлар ва уларнинг ходимларини фавқулодда вазиятлар шароитида ўз фаолиятларини давом эттиришлари таъминланадиган пунктларга эвакуация қилиш тадбирларини амалга оширишлари;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш махсус кучлари ва воситалари ташкил этилишини, тайёргарликдан ўтказилишини ва шай бўлиб туришини таъминлашлари;

ўз тасарруфидаги объектлар лойиҳаланиши, қурилиши ва реконструкция қилиниши чоғида аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш масалаларига оид талаблар бажарилишини назорат қилиб боришлари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширишлари шарт.

Вазирликлар ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан рўйхати белгилаб қўйилмайдиган, потенциал хавф манбаи бўлган объектларда аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар штат лавозимларини жорий этадилар. Бошқа объектларда эса масъул шахслар тайинланади.

**10-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида:

фавқулодда вазиятлар чоғида аҳолини ва ҳудудлар-



ни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқадилар;

аҳолининг ва ҳудудларнинг муҳофазаланишига оид ахборотлар белгиланган тартибда тўпланиши ва алмашилишини, шунингдек фавқулодда вазиятлар таҳдиди борлиги ёки рўй берганлиги тўғрисида аҳоли ўз вақтида воқиф ва хабардор этилишини амалга оширадилар;

моддий ва молиявий ресурслар резервларини яратадилар, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тадбирларини молиялашни амалга оширадилар;

идоравий мансублигидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг фавқулодда вазиятларда барқарор ишлаш имкониятини оширишга ёрдамлашадилар;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича корхона, муассаса ва ташкилотлар кучлари ва воситаларининг шай ҳолда туриши устидан назоратни амалга оширадилар;

авария, ҳалокат, табиий офатлар содир бўлган зоналарда қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишларни амалга ошириш учун авария-қутқарув кучлари (шу жумладан тезкор ҳаракат бўлинмалари) ва махсус тузилмаларнинг доимо шай бўлиб туришини ташкил этадилар;

авария-қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишларни ташкил этадилар ҳамда амалга оширадилар, шунингдек бундай ишлар ўтказилиши чоғида жамоат тартиби сақланишига кўмаклашадилар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

### **11-м о д д а. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари**

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида:

ходимлар ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича зарур чораларни режалаштиришлари, молиялашлари ва амалга оширишлари;

хавф манбаи юқори бўлган объектлар хавфсизлиги тўғрисида белгиланган тартибда декларация тақдим этишлари;

ходимларни фавқулодда вазиятлар шароитида ҳарбийлаштирилмаган тузилмалар таркибида муҳофазаланмиш усуллари ва ҳаракат қилишга ўргатишлари;

хабар бериш маҳаллий тизимларини яратишлари ва доимо шай ҳолатда сақлаб туришлари ҳамда фавқулодда вазиятлар таҳдиди борлиги ёки рўй берганлиги тўғрисида ходимларни ўз вақтида хабардор қилишлари;

фавқулодда вазиятлар шароитида объектлар иши ҳамда ходимлар ҳаёт фаолияти барқарор кечишини таъминлашлари;

муҳандислик-ҳимоя иншоотлари, заруратга қараб, олдиндан барпо этилишини таъминлашлари ҳамда уларни доимо шай ҳолатда сақлаб туришлари;

фавқулодда вазиятлар рўй бериши эҳтимолини назарда тутиб, белгиланган тартибда моддий ва молиявий ресурслар резервларини яратишлари;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш кучлари ва воситалари яратилишини, тайёргарликдан ўтказилишини ҳамда шай бўлиб туришини таъминлашлари;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш режаларига мувофиқ ўз тасарруфидаги объектларда авария-қутқарув ишлари ўтказилишини таъминлашлари;

белгиланган тартибда ихтисослашган хизматлар ва тузилмаларни яратишлари, уларни шахсий таркиб, техника ва анжом билан тўлдиришлари;

белгиланган тартибда эвакуацияга оид тадбирларни ўтказишлари ва одамларни жойлаштириш учун олдиндан базалар тайёрлаб қўйишлари;

белгиланган тартибда фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида ахборотлар тақдим этишлари шарт.

**12-м о д д а. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишдаги иштироки**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари: аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, ижти-

мойи ва маданий объектларнинг санитария ва экологик ҳолати устидан назорат амалга оширилишига ёрдам берадилар;

фуқароларни фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишга жалб қиладилар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чораларни амалга оширадилар.

### **13-м о д д а. Жамоат бирлашмаларининг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишдаги иштироки**

Жамоат бирлашмалари фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этишлари мумкин.

Жамоат бирлашмалари фавқулодда вазиятлар манбалари ва уларни бартараф этиш чоралари тўғрисида давлат ҳокимият ва бошқарув органларидан, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда ахборот олиш ҳуқуқига эга.

### **14-м о д д а. Фавқулодда вазиятлар мониторинги ва уларни олдиндан башорат қилиш**

Фавқулодда вазиятлар мониторинги ва уларни олдиндан башорат қилиш табиий офатларни, техноген авариялар ва ҳалокатларни текшириш ва назорат қилиш махсус хизматлари томонидан амалга оширилади.

Фавқулодда вазиятлар мониторингини ўтказиш ва уларни олдиндан башорат қилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

## **III. ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **15-м о д д а. Фуқароларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари**

Фуқаролар қуйидаги ҳуқуқларга эга:  
фавқулодда вазият рўй берганда ҳаётлари, соғлиқлари ва шахсий мол-мулклари муҳофазаланиши;

умумий ва якка муҳофазаланиш воситаларидан, маҳаллий ҳокимият органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фавқулодда вазиятларда аҳолини муҳофаза қилиш учун мўлжалланган бошқа мол-мулкдан фойдаланиш;

мамлакат ҳудудининг муайян жойларида бўлганда улар дуч келиши мумкин бўлган хавф-хатар даражаси тўғрисида ҳамда зарур хавфсизлик чоралари ҳақида хабардор бўлиш;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш масалалари юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига мурожаат этиш;

фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарда ишлаганлиги учун бепул тиббий хизмат, компенсациялар ва бошқа имтиёзлар олиш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш мобайнида мажбуриятларини бажариш чоғида соғлиғига етказилган зарар учун компенсациялар ҳамда имтиёзлар олиш;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш мажбуриятларини бажариш чоғида орттирган касаллиги муносабати билан меҳнат қобилияти-ни йўқотганда, ногиронлиги меҳнатда майиб бўлиш оқибатида келиб чиққан ходимларга белгиланган тартибда пенсия олиш;

боқувчисини аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш мажбуриятларини бажариш чоғида орттирган майиблик ёки касалликдан ҳалок бўлганлиги ёки вафот этганлиги муносабати билан йўқотганда, меҳнатда майиб бўлиш туфайли ҳалок бўлган шахснинг оила аъзолари учун белгиланган тартибда пенсия олиш.

Давлат ижтимоий суғуртаси тартиби ва шартлари, компенсациялар ва имтиёзлар турлари ва миқдорлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

## **16-м о д д а. Фуқароларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари**

**Фуқаролар:**

хавфсизлик чораларига риоя этишлари, ишлаб чиқариш ва технология интизоми, экологик хавфсизлик талаблари фавқулодда вазиятлар рўй беришига олиб келиши мумкин бўлган тарзда бузилишига йўл қўймасликлари;

муҳофазаланишнинг асосий усулларини, жабрланганларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш йўлларини ўрганишлари ҳамда ўз билим ва амалий кўникмаларини такомиллаштиришлари;

фавқулодда вазиятлар рўй беришига олиб келиши мумкин бўлган авариялар, офатлар ва ҳалокатлар таҳдидидан дарак берувчи аломатлар борлиги тўғрисида тегишли органларга хабар беришлари;

фавқулодда вазиятлар таҳдид солган ва бошланган шароитларда огоҳлантириш белгиларини, юриш-туриш қоидалари ва ҳаракат қилиш тартибини, умумий ва якка муҳофазаланиш воситаларидан фойдаланиш усулларини билишлари;

зарурат бўлганда авария-қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишларни ўтказишда ёрдамлашишлари шарт.

**17-м о д д а. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл давлатларининг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга бўладилар ва мажбуриятларни бажардилар.

**18-м о д д а. Аҳолини ва мутахассисларни фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш**

Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртларида, ишлаб чиқариш ва турар жойларда аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ўргатиш умумий ва мажбурийдир.

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва олий ўқув юртларида, малака ошириш муассасаларида, курсларда, махсус ўқув-услугият марказларида ва иш жойида амалга оширилади.

Аҳолини ва мутахассисларни фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**19-м о д д а. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги билимларни тарғиб этиш**

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги билимларни тарғиб этиш давлат органлари, шунингдек одамларни муҳофаза қилиш ва қутқариш борасидаги тегишли жамоат бирлашмалари томонидан таъминланади.

Билимларни тарғиб этиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш мумкин.

**IV. ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ**

**20-м о д д а. Фавқулодда вазиятларни бартараф этишга қаратилган ҳаракатлар**

Фавқулодда вазиятларни бартараф этишга қаратилган ҳаракатлар ҳудуди ва объектларида бундай вазият рўй берган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг, вазирлик, идора ва ҳокимликларнинг кучлари ҳамда воситалари билан амалга оширилади. Зарурат бўлганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда қўшимча кучлар ва воситалар ажратилади.

**21-м о д д а. Фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарнинг чегараларини белгилаш**

Фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарнинг чегаралари давлат органларининг, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг тегишли раҳбарлари томонидан Фавқулодда вазиятлар таснифига мувофиқ белгиланади.

**22-м о д д а. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларининг тугатилиши**

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича қутқарув, авария ишлари ва бошқа ишлар тегишли органлар қарорига биноан тугатилади.

Фавқулодда вазият бартараф этилганидан сўнг давлат ҳокимият ва бошқарув органлари, вазирлик ва идоралар, корхона, муассаса ва ташкилотлар атроф табиий муҳитни соғломлаштириш, фуқароларнинг ҳамда

ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларнинг ҳаёт фаолиятини тиклаш тадбирларини амалга оширишлари шарт.

**23-м о д д а. Фавқулодда вазиятларни бартараф этишга қаратилган кучлар таркиби**

Фавқулодда вазиятларни бартараф этишга қаратилган кучлар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳарбий ихтисослашган авария-қутқарув бўлинмалари, давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг тегишли тузилмалари ҳамда бўлинмаларидан иборат. Мазкур бўлинмалар таркиби ҳамда уларни қўллаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**24-м о д д а. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун ички ишлар органлари кучлари ва воситаларининг қўлланилиши**

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун ички ишлар органларининг кучлари ва воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлланилади.

**25-м о д д а. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун қўшинлар ва ҳарбий тузилмаларни жалб этиш**

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан Қуролли Кучларнинг, бошқа қўшинлар ва ҳарбий тузилмаларнинг кучлари ва воситалари жалб этилиши мумкин.

## **V. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

**26-м о д д а. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар резервлари**

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар резервлари олдиндан, фавқулодда вазиятлар рўй берган тақдирда уларни шошилиниқ тарзда жалб этиш мақсадида яратилади.

Молиявий ва моддий ресурслар резервларини яратиш, улардан фойдаланиш ва уларни тўлдириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**27-модда. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**



**«АҲОЛИНИ ВА ҲУДУДЛАРНИ ТАБИЙ ҲАМДА  
ТЕХНОГЕН ХУСУСИЯТЛИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА  
КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

**1999 йил 20 август**

**Қ А Р О Р И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 222-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қ а р о р**  
**қ и л а д и:**

1. «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1999 йил 20 август

### Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 223-модда)

#### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланишга топшириш, улардан фойдаланиш, уларни реконструкция қилиш, тиклаш, консервациялаш ва тугатишда хавфсизликни таъминлаш бўйича фаолиятни амалга оширишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдир.

#### 2-модда. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида гидротехника иншоотлари хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам амалга оширилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

#### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

гидротехника иншоотлари — тўғонлар (плотиналар),

гидроэлектр станциялар бинолари, сув ташлаш, сув бўшатиш, сув ўтказиш ва сув чиқариш иншоотлари, туннеллар, каналлар, насос станциялари, сув омборлари қирғоқларини, дарёлар ва каналлар ўзанларининг қирғоқлари ва тубини тошқин ҳамда емирилишлардан муҳофаза қилиш учун мўлжалланган иншоотлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг суяқ чиқиндилар сақланадиган жойларини ўраб турувчи иншоотлар (кўтармалар);

**фойдаланувчи ташкилот** — тасарруфида (балансида) гидротехника иншооти бўлган корхона, муассаса ва ташкилот;

**фавқулодда вазият** — муайян ҳудуддаги аварияга олиб келиши мумкин бўлган, шунингдек гидротехника иншоотининг аварияси натижасида вужудга келган бўлиб, одамлар қурбон бўлишига, одамлар соғлиғига ёки атроф табиий муҳитга зарар етказилишига, жиддий моддий талафотларга ва одамларнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган вазият;

**гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги** — гидротехника иншоотларининг одамлар ҳаёти, соғлиғи ва қонуний манфаатларини, атроф табиий муҳит ва хўжалик объектларини муҳофаза қилишни таъминлаш имконини берувчи ҳолати;

**гидротехника иншоотининг хавфсизлиги декларацияси** — гидротехника иншоотининг хавфсизлиги асослаб бериладиган ҳужжат;

**гидротехника иншоотининг хавфсизлиги мезонлари** — гидротехника иншооти ҳолатининг ва ундан фойдаланиш шартларининг гидротехника иншооти аварияси хавфининг йўл қўйиладиган даражасига мувофиқ миқдор ва сифат кўрсаткичларининг чекланган қийматлари;

**гидротехника иншооти аварияси хавфининг йўл қўйиладиган даражаси** — гидротехника иншооти аварияси хавфининг норматив ҳужжатлар билан белгиланган қиймати.

4-м о д д а. **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
давлат мулкида бўлган гидротехника иншоотларининг

хавфсизлигини, шунингдек республика ва минтақавий энергетика тизимига кирувчи корхоналар гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлайди;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш давлат дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги устидан давлат назоратини ташкил этади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро ҳамкорликни ташкил этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**5-м о д д а. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда қатнашадилар;

сув ресурсларидан фойдаланишда ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишда гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлайдилар;

гидротехника иншоотларини жойлаштириш тўғрисида, шунингдек гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолларда улардан фойдаланишни чеклаб қўйиш ҳақида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарорлар қабул қиладилар;

гидротехника иншоотларининг авариялари оқибатларини тугатишда қатнашадилар;

гидротехника иншоотларининг фавқулодда вазиятларни келтириб чиқариши мумкин бўлган авариялари хавфи борлиги тўғрисида аҳолини хабардор қиладилар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

**6-м о д д а. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги устидан давлат назорати**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув ҳўжалиги объект-

ларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги устидан давлат назоратини амалга оширувчи махсус ваколатли орган ҳисобланади, у:

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги қоидалари ва мезонларини ишлаб чиқади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалликда гидротехника иншоотлари техник ҳолатининг пухталлигини ва улар ишининг хавфсизлигини экспертизадан ўтказиши;

гидротехника иншоотларини жойлаштириш, гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш топшириқларини, уларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини келишиб олишда, гидротехника иншоотларининг қурилиши сифатини назорат қилишда, уларни фойдаланишга қабул қилишда, шунингдек гидротехника иншоотларидан фойдаланиш қоидаларини келишиб олишда қатнашади;

гидротехника иншоотларининг ҳолатини ҳамда улар ҳолатининг гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги декларацияларига мувофиқлигини текширишни ташкил этади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида кўрсатмалар беради, шунингдек гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги нормалари ва қоидалари қўпол равишда бузилган ҳолларда уларни қуриш ва фойдаланиш фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва уларни бекор қилиш ҳақида таклифлар кирилади;

гидротехника иншоотлари ҳудудларидан, дарёлар ўзанлари ва тўғоннинг уларга туташ бўлган қуйи ҳамда юқори ҳудудларидан хўжалик фаолияти ёки бошқа фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланишга (сувни муҳофаза қилиш зоналарида ер участкалари бериш бундан мустасно) розилик беради;

дарёларнинг ўзанларида ва тўғоннинг уларга туташ қуйи ва юқори ҳудудларида сув хўжалиги объектларидан фойдаланишни амалга оширувчи ёхуд хўжалик фаолияти ёки бошқа фаолият юритувчи ташкилотларнинг фаолиятини, агар бундай фаолият гидротехника иншоотларининг хавфсизлигига ёмон таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, тақиқлайди ёки чеклаб қўяди;

гидротехника иншоотларининг муҳофаза қилиниши-ни ташкил этиш устидан назоратни амалга оширади;  
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Махсус ваколатли органнинг гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги кўрсатмалари фойдаланувчи ташкилотлар ижро этиши учун мажбурийдир.

#### **7-модда. Гидротехника иншоотларининг кадастри**

Гидротехника иншоотлари Ўзбекистон Республикаси Гидротехника иншоотларининг кадастрига (бундан бундан буён матнда Кадастр деб юритилади) киритилади.

Кадастри юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

#### **8-модда. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлашга қўйиладиган асосий талаблар**

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш қўйидаги асосий талабларга биноан амалга оширилади:

гидротехника иншоотлари хавфининг йўл қўйиладиган даражасини таъминлаш;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги декларацияларини тақдим этиш;

гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолиятни лицензиялаш;

гидротехника иншоотларидан фойдаланишнинг узлуксизлиги;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан уларнинг хавфсизлиги мезонларини белгилаш, гидротехника иншоотларининг ҳолатини доимий назорат қилиш мақсадида уларни техника воситалари билан жиҳозлаш, гидротехника иншоотларига зарур малакага эга бўлган ходимлар хизмат кўрсатишини таъминлаш;

гидротехника иншоотларида фавқулодда вазиятларнинг юзага келиш хавфини энг кўп даражада камайтириш бўйича тадбирлар мажмуини олдиндан ўтказиш.

## 9-м о д д а. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан фойдаланувчи ташкилотнинг мажбуриятлари

Гидротехника иншоотидан фойдаланувчи ташкилот қўйидагиларга мажбурдир:

гидротехника иншоотларини қуриш, фойдаланишга топшириш, улардан фойдаланиш, уларни таъмирлаш, реконструкция қилиш, консервациялаш, фойдаланишдан чиқариш ва тугатишда гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги нормалари ва қоидаларига риоя этилишини таъминлашга;

гидротехника иншоотининг ҳолати, унга табиий ва техноген таъсирлар устидан назоратни (мониторингини) таъминлашга, гидротехника иншооти каскадда ишлашини, хўжалик ва бошқа фаолият натижасида унга бўладиган зарарли таъсирларни, объектлар дарё ўзанида ҳамда гидротехника иншоотидан қўйидаги ва юқоридаги унга туташ ҳудудларда жойлаштирилганлигини ҳисобга олган ҳолда гидротехника иншоотининг хавфсизлигини баҳолашга;

гидротехника иншоотининг хавфсизлиги мезонларини ишлаб чиқишни ўз вақтида аниқлашни таъминлашга;

гидротехника иншоотининг ҳолатини назорат қилиш тизимини ривожлантиришга;

гидротехника иншооти хавфсизлигининг пасайиши сабабларини мунтазам таҳлил қилиб бориш ва гидротехника иншоотининг техник жиҳатдан соз ҳолатда бўлишини ва унинг хавфсизлигини таъминлашга, шунингдек гидротехника иншооти авариясининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишни ва бажаришни ўз вақтида амалга оширишга;

гидротехника иншоотининг мунтазам текшириб турилишини таъминлашга;

гидротехника иншоотининг авариясини тугатиш учун мўлжалланган моддий заҳираларни яратишга;

гидротехника иншоотидан фойдаланишни ташкил этиш ва ходимларнинг малакаси нормаларга ва қоидаларга мувофиқ бўлишини таъминлашга;

гидротехника иншоотларидаги фавқулодда вазиятлар тўғрисида хабар бериш маҳаллий тизимларини доимий шай ҳолатда сақлашга;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда аҳолини гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги масалалари тўғрисида хабардор қилишга;

гидротехника иншооти аварияларининг олдини олиш масалалари бўйича фавқулодда вазиятлар органи билан ҳамкорлик қилишга;

гидротехника иншоотининг аварияси хавфи борлиги ҳақида махсус ваколатли органни, бошқа манфаатдор давлат органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ва сувнинг (тўғоннинг) тийиб туриш босими ёриб ўтишининг бевосита хавфи бўлган тақдирда сув остида қолиш эҳтимоли бўлган зонадаги аҳолини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни дарҳол хабардор қилишга;

махсус ваколатли органга ўз ваколатларини амалга оширишда кўмаклашишга;

гидротехника иншоотидан фойдаланиш, унинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларни, шунингдек гидротехника иншооти аварияларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш ишларини молиялашга.

#### **10-модда. Гидротехника иншоотининг хавфсизлиги декларацияси**

Гидротехника иншоотини лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланишга топшириш, ундан фойдаланиш, уни фойдаланишдан чиқариш босқичларида, шунингдек уни реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, тиклаш ёхуд консервациялашдан кейин фойдаланувчи ташкилот гидротехника иншоотининг хавфсизлиги декларациясини тузади. Декларацияни тузиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фойдаланувчи ташкилот гидротехника иншоотининг хавфсизлиги декларациясини махсус ваколатли органга тақдим этади. Декларациянинг махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланиши гидротехника иншоотини Қадастрга киритиш ва гидротехника иншоотини қуришга рухсат олиш, фойдаланишга топшириш, ундан фойдаланиш ёки уни фойдаланишдан чиқариш ёхуд реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, тиклаш ёки консервациялаш учун асос бўлади.



## **11-м о д д а. Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги декларацияларининг давлат экспертизаси**

Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги декларацияларининг давлат экспертизаси, шу жумладан лойиҳалаштириш босқичидаги давлат экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда ўтказилади.

Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги декларацияларининг давлат экспертизаси гидротехника иншоотларидан фойдаланувчи ташкилотлар ташаббуси билан, шу жумладан улар розилик бермаган тақдирда ҳам, махсус ваколатли органнинг кўрсатмаларига биноан ўтказилади.

Махсус ваколатли орган томонидан давлат экспертизаси хулосаси асосида гидротехника иншоотининг хавфсизлиги декларациясини тасдиқлаш ҳақида, тегишли рухсатнома бериш тўғрисида ёки рухсатнома беришни рад этиш ҳақида қарорлар қабул қилиниши мумкин.

Фойдаланувчи ташкилот махсус ваколатли органнинг қарорига рози бўлмаган тақдирда, қарор юзасидан суд тартибида шикоят қилиш мумкин.

## **12-м о д д а. Гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолиятни лицензиялаш**

Гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган махсус рухсатномалар (лицензиялар) асосида амалга оширилади.

## **13-м о д д а. Гидротехника иншоотларини текшириш**

Гидротехника иншоотларини текшириш чоғида гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги нормалари ва қондаларига риоя этилишини баҳолаш мақсадида фойдаланувчи ташкилотларнинг, шунингдек гидротехника иншоотларидан фойдаланишда, уларни қуришда, реконструкция қилишда, капитал таъмирлашда, тиклашда ёки консервация қилишда пудрат ташкилотларининг фаолияти устидан назорат амалга оширилади.

**14-м о д д а. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган авария моддий-техника заҳираларини яратиш ва улардан фойдаланиш**

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган авария моддий-техника заҳиралари фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда зарур моддий ресурсларни ошиғич тарзда жалб қилиш мақсадида олдиндан яратилади. Бу заҳираларни яратиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**15-м о д д а. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

### **ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

**1999 йил 20 август**

### **Қ А Р О Р И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 224-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қ а р о р**  
**қ и л а д и:**

1. «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғ-  
рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда  
эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
ҳукумат қарорларини «Гидротехника иншоотларининг  
хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин,  
вазирликлар ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган  
ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва  
бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1999 йил 20 август

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 227-модда)

1-м о д д а. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, туристик хизматлар бозорини ривожлантириш, шунингдек туристлар ва туристик фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

2-м о д д а. Туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида туризм соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-м о д д а. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**туризм** — жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши);

**турист** — Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб

ёки бошқа мамлакатга саёҳат қилувчи (доймий истиқомат жойидан туризм мақсадида жунаб кетган) жисмоний шахс;

**туристик фаолият** — ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ саёҳатларни ва улар билан боғлиқ хизматларни ташкил этиш борасидаги фаолият;

**экскурсия фаолияти** — туристик фаолиятнинг тарихий ёдгорликлар, диққатга сазовор жойлар ва бошқа объектлар билан таништириш мақсадида олдиндан тузилган йўналишлар бўйича экскурсия етакчиси ҳамроҳлигидаги 24 соатдан ошмайдиган экскурсияларни ташкил этишга доир қисми;

**туристик ресурслар** — тегишли ҳудуднинг табиий-иқлим, соғломлаштириш, тарихий-маданий, маърифий ва ижтимоий-маиший объектлари мажмуи;

**туристик фаолият субъектлари** — белгиланган тартибда рўйхатга олинган ва туристик хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун лицензияси бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар;

**туристик индустрия** — туристик фаолиятнинг туристларга хизмат кўрсатишни таъминловчи турли субъектлари (меҳмонхоналар, туристик комплекслар, кемпинглар, мотеллар пансионатлар, умумий овқатланиш, транспорт корхоналари, маданият, спорт муассасалари ва бошқалар) мажмуи;

**тур** — муайян йўналиш бўйича туристик хизматлар мажмуи (жой бандлаш, жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, рекреация, экскурсия хизматлари ва бошқа хизматлар) билан таъминланган аниқ муддатлардаги туристик саёҳат;

**туристик хизматлар** — туристик фаолият субъектларининг жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, ахборот-реклама хизматлари кўрсатиш борасидаги, шунингдек туристларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бошқа хизматлари;

**туристик гуруҳ раҳбари** — туристик фаолият субъектининг вакили бўлган ва унинг номидан иш кўриб, туристларга ҳамроҳлик қилувчи, туристик хизматлар кўрсатиш шартномаси шартларининг бажарилишини таъминловчи жисмоний шахс;

**гид (экскурсия етакчиси)** — тур қатнашчиларига туристик хизматлар кўрсатиш шартномаси доирасида экс-

курсия-ахборот, ташкилий йўсиндаги хизматлар ва ма-  
лакали ёрдам кўрсатувчи жисмоний шахс;

**туристик фаолиятни амалга ошириш учун лицензия**—  
туристик фаолиятни амалга оширишга бўлган ҳуқуқни  
тасдиқловчи махсус рухсатнома;

**сертификат** — туристик хизматлар сифатини ва улар-  
нинг муайян стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга  
мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат.

#### **4-м о д д а. Туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўна-  
лишлари қуйидагилардан иборат:

туризм ва туристик индустрияни ривожлантириш;  
фуқароларнинг саёҳат қилиш пайтидаги дам олиш,  
эркин ҳаракатланиш ва бошқа ҳуқуқларини таъминлаш;  
туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва улар-  
ни сақлаш;

туризм соҳасидаги норматив базани такомиллашти-  
риш;

болалар, ёшлар, ногиронлар ва аҳолининг кам таъ-  
минланган қатламлари туризми (экскурсиялари) учун  
шароит яратиш;

туристик индустрияни ривожлантириш учун инвести-  
циялар жалб этиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун туристик  
хизматлар бозорида тенг имкониятлар яратиш;

туристларнинг хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқлари,  
қонуний манфаатлари ва мол-мулки муҳофаза қилини-  
шини таъминлаш;

туризм соҳасининг илмий таъминотини ташкил этиш  
ва ривожлантириш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини ошириш;

чет мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан  
ҳамкорликни ривожлантириш.

#### **5-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ- камасининг туризм соҳасидаги ваколат- лари**

Туризм соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси:

туризмни ривожлантириш давлат дастурини тасдиқлайди;

туристик фаолиятни лицензиялаш тартибини белгилайди;

туристларнинг бориши тақиқланадиган объектлар ва ҳудудларни белгилайди;

туристларнинг айрим тоифаларига имтиёзлар бериш тартибини белгилайди;

ҳукуматлараро шартномалар тузади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилади.

#### **6-м о д д а. Ваколатли давлат органининг туризм соҳасидаги ваколатлари**

Туризм соҳасида ваколатли давлат органи:

туризмни ривожлантириш давлат дастурлари амалга оширилишини таъминлайди;

туристик хизматлар инфратузилмасини шакллантиради;

тарихий-маданий меросни тарғиб қилишни, туристик салоҳиятни сақлаш ва ривожлантиришни ташкил этади;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бажарилишини таъминлайди;

халқаро туристик ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ифодалайди;

туристик фаолият субъектларига уларнинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларда услубий ва бошқа йўсинда ёрдам кўрсатади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилади.

#### **7-м о д д а. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг туризм соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари туризм соҳасида туризмни ривожлантиришнинг минтақавий дастурларини ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қиладилар.

#### **8-м о д д а. Туристик фаолиятни лицензиялаш**

Туристик фаолият лицензия асосида амалга оширилади.

Туристтик фаолиятни лицензиялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томопидан белги-ланади.

#### 9-м о д д а. Туристтик фаолиятни молиялаш манбалари

Туристтик фаолият:

туристтик фаолият субъектларининг ўз маблағлари; юридик ва жисмоний шахсларнинг пул бадаллари; заём маблағлари (облигация заёмлари ва бошқа заёмлар, банк кредитлари ва бошқа кредитлар);

чет эл инвестициялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

#### 10-м о д д а. Туристтик хизматларни сертификатлаштириш

Туристтик хизматлар мажбурий сертификатлаштирилиши лозим.

Туристтик хизматларни сертификатлаштириш ва сертификат бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Туристтик фаолият субъектининг туристтик хизматларни мажбурий сертификатлаштиришдан бош тортиши, туристтик хизматларни сертификатлаштиришнинг натижаси салбий бўлиши, шунингдек сертификатнинг амал қилишини бекор қилиш туристтик фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб қўйишга ёки лицензиядан маҳрум қилишга сабаб бўлади.

#### 11-м о д д а. Туристтик саёҳат ва туристтик хизматлар мажмуи

Туристтик саёҳат якка тартибда ёки туристлар гуруҳи таркибда амалга оширилади.

Туристтик хизматлар мажмуи транспорт хизмати кўрсатишни, яшаш, овқатлантириш, экскурсия хизмати кўрсатиш, маданий, спорт дастурларини ташкил этиш ва бошқа хизматларни ўз ичига олади.



## 12-м о д д а. Туристтик хизматлар кўрсатиш шартномаси

Туристтик хизматлар шартнома асосида кўрсатилади. Шартнома кўрсатиладиган хизматларнинг кўлами ва сифатини, тарафларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини, ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоблар тартибини, шартноманинг амал қилиш муддатини ва уни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликни, шунингдек тарафларнинг келишувига кўра бошқа шартларни белгилайди.

## 13-м о д д а. Туристтик йўлланма (ваучер)

Туристтик йўлланма (ваучер) — туристнинг ёки туристлар гуруҳининг тур таркибига кирувчи туристик хизматларга бўлган ҳуқуқини белгиловчи ва бундай хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Туристтик йўлланманинг (ваучернинг), шакли туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

## 14-м о д д а. Туристнинг ҳуқуқлари

Турист:

шартномада назарда тутилган туристик хизматлар мажмуидан тўла фойдаланиш;

саёҳатга тааллуқли тўлиқ ва ишончли ахборот олиш; шахсий хавфсизлик, ўз ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, шунингдек ўз мол-мулкининг асралиши;

шошилиш тиббий ёрдам олиш;

шартнома бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда моддий зарарнинг тўланиши, шунингдек маънавий зиённинг ўрни қопланиши;

агар турнинг умумий қиймати ошиши унинг шартлашилган қийматидан ортиб кетса, шунингдек форс-мажор ҳолатлари рўй берган тақдирда туристик фаолият субъектига етказилган зарарнинг ўрнини қопламасдан шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Турист қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

## 15-м о д д а. Туристнинг мажбуриятлари

Турист:

шартнома шартларига;

божхона ва чегара назорати қоидаларига;  
борилган мамлакатнинг қонун ҳужжатлари талаб-  
ларига риоя этиши шарт.

Турист қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маж-  
буриятларга ҳам эга бўлади.

### 16-м о д д а. Туристик фаолият субъектининг ҳуқуқ- лари

Туристик фаолият субъекти Ўзбекистон Республика-  
си ҳудудида туристларга хизматлар кўрсатиш пайтида:  
турнинг муддати ва йўналишини, хизмат кўрсатиш  
даражасини, транспорт хизмати кўрсатиш турини, ту-  
ристнинг хавфсизлигини таъминлаш ва унинг мол-мулки-  
ни қўриқлаш усулини туристнинг розилиги ва хоҳиши  
билангина ўзгартириш;

туристнинг розилиги билан ҳамда бу хусусда тур  
бошланишидан камида йигирма кун олдин туристни ха-  
бардор қилиш шarti билан турнинг шартлашилган қий-  
матини ошириш;

хизматлар кўрсатиш мумкин бўлмаган форс-мажор  
ҳолатлари рўй берганда, шунингдек гуруҳни тузиш  
учун зарур миқдорда туристлар йиғилмаган тақдирда  
туристларни бу ҳақда тур бошланишидан камида йигир-  
ма кун олдин хабардор қилган ҳолда туристик хизмат-  
лар кўрсатиш шартномасини бекор қилиш;

туристлар ёки туристларга хизмат кўрсатишни ташкил  
этиш бўйича шериклар томонидан етказилган зарарнинг  
ўрни қопланишини қонун ҳужжатларида белгиланган  
тартибда талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Туристик фаолият субъекти қонун ҳужжатларига му-  
вофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

### 17-м о д д а. Туристик фаолият субъектининг маж- буриятлари

Туристик фаолият субъекти:

туристларга шартномада шартлашилган хизматлар-  
ни кўрсатиши;

туристик хизматлар кўрсатилмаган ёки тўла ҳажмда  
ёхуд лозим даражада сифатли кўрсатилмаган тақдирда  
туристларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши;

туристларга турни ташкил қилиш, уларнинг ҳуқуқла-  
ри ва мажбуриятлари тўғрисида тўлиқ ахборот бериши;

туристик ресурслар, кўрсатиладиган объектларнинг (тарихий-архитектура ёдгорликлари, табиат объектлари ва бошқаларнинг) сақланишига кўмаклашиши;

туристларнинг борилган жой (мамлакат) қонун ҳужжатларига риоя этишлари устидан назоратни амалга ошириши шарт.

Туристик фаолият субъекти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

### **18-м о д д а. Туристларнинг хавфсизлиги кафолати**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристларнинг хавфсизлиги давлат томонидан кафолатланади.

Туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда туристларнинг ҳимоя қилинишини ҳамда хавфсизлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқади ва унинг бажарилишини ташкил этади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари туризм соҳасида барча туристик йўналишлар бўйича туристларнинг ҳимоя қилинишини ва хавфсизлигини таъминлаш минтақавий дастурларини ишлаб чиқадилар ва уларнинг бажарилишини ташкил этадилар.

Туристик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, улар жароҳатланганда, касалланганда ва бошқа ҳолларда тиббий ва ўзга хил ёрдам кўрсатиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқадилар.

### **19-м о д д а. Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари**

Туристик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

туристларнинг сафарда хавф-хатардан холи бўлишлари учун шарт-шароитни, сафар, сайр, экскурсия йўллари, мусобақалар ўтказиладиган жойларнинг ободлигини таъминлашлари;

туристларга жароҳатланиш ва бахтсиз ҳодисалардан сақланиш ҳамда уларнинг олдини олиш усулларини ўргатишлари, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан йўл-йўриқ беришлари, шунингдек белгиланган йўналишнинг хусусияти ва туристларнинг хатти-ҳаракатига боғ-

лик ҳолда юзага келиши мумкин бўлган хавф манбалари ҳақида уларнинг ўзини хабардор қилишлари;

туристларнинг саёҳатлар, сафарлар, мусобақалар, бошқа туристик тадбирларга тайёргарлиги устидан назоратни амалга оширишлари;

фалокатга учраган туристларга тезкор ёрдам кўрсатишлари;

автомобиль, тоғ, чанғи, велосипед, сув, мотоцикл, пиёда сафар, гор туризми ва туризмнинг бошқа махсус турларини ташкил этиш ва ўтказишда хавфсизликнинг алоҳида талабларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари шарт.

Туристлик саёҳатларни туристлар ҳаракатланишининг фаол шаклларида фойдаланган ҳолда ташкил этишга ихтисослашган туристик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, экстремал вазиятларда уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида хизмат кўрсатишни кўзлаб қидирув-қутқарув хизматлари билан шартномалар тузадилар. Қидирув-қутқарув хизматлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади.

#### **20-м о д д а. Туристларни суғурта қилиш**

Туристларни суғурта қилиш мажбурийдир ва у туристик фаолият субъектлари томонидан суғурта фаолияти олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган тегишли суғурта ташкилотлари билан тузиладиган битимлар асосида амалга оширилади.

#### **21-м о д д а. Низоларни ҳал этиш**

Туризм соҳасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

#### **22 м о д д а. Туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

**1999 йил 20 август**

**Қ А Р О Р И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 228-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қ а р о р**  
**қ и л а д и:**

1. «Туризм тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Туризм тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар ўзларининг мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН  
ХУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР  
КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ**

**1999 йил 20 август**

**Қ О Н У Н И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси 1999 йил, 9-сон, 229-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р  
қ и л а д и:**

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

I. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 78-модда; 1993 йил, № 6, 246-модда; 1994 йил, № 11—12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4—5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда):

1) 6-моддасининг 1-бандидаги «Ўзбекистон Республикасининг ягона давлат реестрига киритиш учун ўн кун муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига» деган сўзлар «Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистрига киритиш учун ўн кунлик муддат ичида статистика органларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 9-моддаси 2-бандининг биринчи қисми «унинг қаерда жойлашганлиги» деган сўзлардан кейин «(почта манзили)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) 38-моддаси 1-бандининг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорхона олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик корхонаси эса — уч ой мобайнида) банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган, деҳқон ва фермер хўжаликлари бундан мустасно, ва

(ёки) давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичида ўз устав фондини таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирмаган тақдирда, қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, белгиланган тартибда тугатилиши лозим. Шу билан бирга ўз устав фондини белгиланган муддатда таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантира олмаган корхона уни амалда шакллантириб улгурган, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан оз бўлмаган даражада камайтириши ёки ўзи бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга айлантирилиши мумкин».

**II. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган таҳрири (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5—6, 97-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда):**

**1) 7-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидан, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қўшинларидан бўшатиладиганларга»;

**2) 8-моддасининг:**

**номи ва биринчи қисмидаги «ва Миллий хавфсизлик хизмати» деган сўзлар «Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

**учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Қорхона қайта ташкил этилганда ҳарбий хизматдан бўшатиладиган шахсларни ишга жойлаштиришни унинг ҳуқуқий вориси, корхона тугатилганда эса — маҳаллий меҳнат органи амалга оширади»;

**3) 21-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдордаги мажбурий ажратмалар, бу харажатларни маҳсулот таннархига қўшиш шарти билан».

**III. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 10, 394-модда; 1993 йил, № 1, 19-модда, № 9, 329-модда; 1994 йил, № 11—12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда):**

**1) 6-моддасининг 1-банди қуйидаги мазмундаги қисм билан тўлдирилсин:**

«Биржа устав фондини таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантиришнинг энг кўп муддати, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, биржа давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги лозим»;

**2) 12-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«биржанинг жойлашган ери (почта манзили)».

**IV. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 13-модда; 1994 йил, № 11—12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; 1996 йил, № 9, 144-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда):**

**1) 3-моддаси:**

**2-бандининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«таъсис этилаётган жамият ва ширкатнинг фирма номи ҳамда унинг жойлашган ери (почта манзили)»;

**3-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«фирма номи ва жойлашган ери (почта манзили)»;

**2) 17-моддасининг 1-банди қуйидаги мазмундаги қисм билан тўлдирилсин:**

«Жамият устав фондини таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантиришнинг энг кўп муддати, башарти қонун ҳужжатларида ўзгача қондалар назарда тутилган бўлмаса, жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги лозим».

**V. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуни**



(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 22-модда; 1994 йил, № 5, 161-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4—5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда):

#### **4-моддаси:**

**1-бандининг «с» ва 2-бандининг «г» кичик бандларидаги «молия ва солиқ идоралари» деган сўзлар «молия идоралари, монополияга қарши органлар ва солиқ органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

**2-бандининг «р» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«р) аризачи ва жавобгар — қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) ўз устав фондиди шакллантирмаган корхоналарни тугатишга доир ишлар юзасидан».

**VI. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 29-модда, № 6, 266-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 141-модда, 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда):**

**1) 3-моддасининг еттинчи хатбошисидаги «Қуролли Кучларда» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлари ва идораларининг ҳарбий маҳкамаларида, ҳарбийлаштирилган таркибий бўлинмаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

**2) 11-моддасининг бешинчи ва 14-моддасининг учинчи қисмларидаги «Қуролли Кучларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**

**3) 23-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси «ҳарбий қисмлар» деган сўзлардан кейин «вазирликлар ва идораларнинг ҳарбий маҳкамалари, ҳарбийлаштирилган таркибий бўлинмалари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;**

**4) 24-моддаси биринчи қисмининг иккинчи ва тўртинчи ҳамда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошилари «ҳарбий қисмлар», «ҳарбий қисмларнинг» деган сўзлардан кейин тегишинча «вазирликлар ва идораларнинг ҳарбий маҳкамалари, ҳарбийлаштирилган таркибий бўлинма-**

лари», «вазирликлар ва идоралар ҳарбий маҳкамаларининг, ҳарбийлаштирилган таркибий бўлинмаларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**VII.** Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги қарори билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси идоралари ходимларининг даражали махсус унвонлари тўғрисидаги Низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 31-модда) **14-моддасидаги** «қуролли кучларда» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлари ва идораларининг ҳарбий маҳкамаларида, ҳарбийлаштирилган таркибий бўлинмаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**VIII.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатиш шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 33-модда):

1) **номи ва 1-моддасидаги** «Озодликдан маҳрум этиш жойларидан» деган сўзлар «Жазони ижро этиш муассасаларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **4-моддаси** қўйидаги мазмундаги «**в**» банди билан тўлдирилсин:

«в) ўта оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсларга нисбатан»;

3) **8-моддаси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**8-модда.** Маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги асосли тақдимнома судга қўйидагилар томонидан юборилади:

а) оғир жиноятлар содир этганлик учун ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ва ундан кўпроқ марта ҳукм этилган, жазони ижро этиш муассасаларида турган шахсларга нисбатан, — жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи томонидан, маҳкумнинг тузалиш ва ҳалол меҳнат қилиб кун кечириш йўлига ўтишни асло истамаганлигидан далолат берувчи материаллар бўлган тақдирда, озод этишдан камида бир ой олдин;

б) ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун жазони ижро этиш муассасаларидаги шахсларга нисбатан, — жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи томонидан, озод этишдан камида бир ой олдин;

в) жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахсларга нисбатан, — ички ишлар идораси бошлиғи томонидан, шахс жазони ижро этиш муассасасидан бўшатишганидан кейин жамият учун зарарли тарзда кун кечираётганлигидан далолат берувчи материаллар асосида»;

4) 9-моддасидаги «озодликдан маҳрум қилиш жойларидан» деган сўзлар «жазони ижро этиш муассасаларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 10-моддасининг биринчи қисмидаги «4-моддасининг «а» бандида» деган сўзлар «4-моддасининг «а» ва «в» бандларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 12-моддасидаги «Ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаси» ва «озодликдан маҳрум этиш жойидан» деган сўзлар тегишинча «Жазони ижро этиш муассасаси» ва «жазони ижро этиш муассасаларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 13-моддасидаги «озодликдан маҳрум этиш жойларида», «ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаси» ва «озодликдан маҳрум этиш жойларидан» деган сўзлар тегишинча «жазони ижро этиш муассасаларида», «жазони ижро этиш муассасаси» ва «жазони ижро этиш муассасаларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 16-моддаси биринчи қисмининг «а» ва «в» бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) назорат остига олинган шахснинг хулқ-атвори тўғрисида иш берувчидан, мазкур шахс ўқиётган жойнинг маъмуриятидан, у яшаётган жойдаги жамоат бирлашмаси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан, шунингдек фуқаролардан маълумотлар талаб қилиб олиш»;

«в) назорат остига олинган шахсни суҳбат учун милицияга чақириш, зарурат бўлганда бундай суҳбатларни иш берувчининг, жамоат бирлашмаси ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг вакиллари, назорат остига олинган шахснинг қариндошлари, шунингдек суҳбат мавзусига алоқадор шахслар иштирокида ўтказиш»;

9) 20-моддасининг иккинчи қисмидаги «озодликдан маҳрум этиш жойларидан» деган сўзлар «жазони ижро этиш муассасаларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**IX. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси**

Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 325-модда; 1994 йил, № 11—12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5—6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда):

1) қуйидаги мазмундаги 8<sup>2</sup>-модда билан тўлдирилсин:

### **«8<sup>2</sup>-модда. Қимматли қоғозлар бўйича даъво муддатлари**

Векселларга нисбатан қуйидаги махсус даъво муддатлари қўлланилади:

вексель сақловчининг индоссантларга қарши ва вексель берувчига қарши даъво талаблари бўйича — белгиланган муддатда амалга оширилган протест кунидан бошлаб ёки харажатсиз айлантириш олдиндан шарт қилиб қўйилган бўлса, тўлов муддати кунидан бошлаб бир йил;

индоссантларнинг бир-бирига ва вексель берувчига даъво талаблари бўйича — индоссант векселни тўлаган кундан бошлаб ёки унга даъво тақдим этилган кундан бошлаб олти ой.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилмаган ўзга ҳолларда, шунингдек бошқа қимматли қоғозлар бўйича даъво муддатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади»;

2) 9-моддасининг олтинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Шахс, бир гуруҳ шахслар томонидан акцияларнинг акциядорлик жамияти устав капиталида овоз бериш ҳуқуқи билан сотиб олиниши, бунда ана шу шахс, бир гуруҳ шахслар мазкур акцияларнинг ўттиз беш фоиздан кўпроғини тасарруф этиш ҳуқуқини оладиган бўлса, монополияга қарши давлат органининг олдиндан розилигини олиш талаб этилади. Бундай талаб акциядорлик жамиятини тузиш вақтида акциядорлик жамияти муассисларига татбиқ этилмайди, молия-саноат гуруҳлари, холдинг компанияларни ташкил этиш ҳоллари бундан мустасно».

**Х.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 1998 йил 28 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган таҳрири (Ўзбе-

кистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотнома-  
си, 1998 йил, № 9, 167 ва 168-моддалар):

1) **7-моддасининг еттинчи қисми** қуйидаги таҳрирда  
баён этилсин:

«Агар ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тутил-  
ган бўлмаса, кредиторлар йиғилишида қарздор маж-  
буриятлари умумий суммасининг камида учдан икки  
қисми миқдориди талабномалар билдираётган, овоз бе-  
риш ҳуқуқи бор кредиторлар ҳозир бўлган тақдирда,  
йиғилиш ваколатли ҳисобланади. Кредиторларнинг ман-  
фаатларини йиғилишда ишончли шахс ифодалаши мум-  
кин. Кредиторлар йиғилишида кворум бўлмаса, ўн кун-  
лик муддат ичида кредиторларнинг такрорий йиғилиши  
чақирилади, бу йиғилиш ўтказиладиган жой ва вақт  
тўғрисида кредиторлар тегишли равишда хабардор этил-  
ган тақдирда, ҳозир бўлган кредиторлар овозидан  
қатъи назар, йиғилиш ваколатли ҳисобланади»;

2) **8-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда  
баён этилсин:

«Ариза кўриб чиқиш учун қабул қилинганлиги тўғ-  
рисида хўжалик суди томонидан ажрим чиқарилган  
пайтдан эътиборан уч кун ичида кредиторлар йиғилиши  
ўтказиладиган жой ва вақт ҳақидаги хабар матбуотда  
эълон қилинади. Кредиторларнинг биринчи йиғилиши  
ариза кўриб чиқиш учун қабул қилинганлиги тўғриси-  
даги ажрим асосида хўжалик суди томонидан чақири-  
лади ҳамда кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган жой  
ва вақт ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинган пайт-  
дан эътиборан бир ҳафта ичида бўлиб ўтиши керак.  
Эълон қилиш харажатлари қарздор ҳисобидан қола-  
нади»;

3) **9-моддаси** қуйидаги мазмундаги қисм билан тўл-  
дирилсин:

«Агар кредиторларнинг йиғилишида ушбу модданинг  
учинчи қисмида назарда тутилган қарорларни қабул  
қилиш учун зарур кредиторлар овози сони етарлича ҳо-  
зир бўлмаган бўлса, кредиторларнинг такрорий йиғили-  
ши чақирилади, бу йиғилиш ўтказиладиган жой ва вақт  
тўғрисида кредиторлар тегишли равишда хабардор  
этилган тақдирда бундай қарорларни йиғилиш ҳозир  
бўлган кредиторлар овози сонига нисбатан кўпчилик  
овоз билан қабул қилишга ваколатлидир»;

4) **16-моддаси:**

**иккинчи қисмининг бешинчи хатбошиси** қуйидаги

мазмундаги бешинчи ва олтинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Ташқи бошқарувчилар ва ишончли шахслар тариқасида фаолият олиб бораётган жисмоний шахсларга нисбатан малака ва касбга оид талабларни белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа ваколатларни амалга оширади»;

5) 26-моддасининг биринчи қисмидаги «оммавий ахборот воситаларида ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг расмий нашрида» деган сўзлар «матбуотда» деган сўз билан алмаштирилсин;

6) 40-моддасининг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банкротлик тўғрисидаги ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида, шунингдек банкротлик тўғрисидаги иш кўрилаётганда хўжалик суди қарздорнинг молиявий аҳволини аниқлаш учун экспертиза тайинлашга ҳақли»;

7) қуйидаги мазмундаги 40<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилсин:

**«40<sup>1</sup>-м о д д а. Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш муддати**

Хўжалик судининг мажлисида банкротлик тўғрисидаги иш ариза кўриб чиқишга қабул қилинганлиги ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилиши лозим»;

8) 42-моддасининг биринчи қисмидаги «расмий нашрда» деган сўзлар «матбуотда» деган сўз билан алмаштирилсин;

9) 46-моддасининг тўртинчи қисмидаги «қайта тикланади» деган сўзлар «қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 64-моддаси:

қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ташқи бошқарувчи корхонани кредиторлар йиғилишининг розилиги билан, харидор ўзига хизмат кўрсатувчи банкнинг тегишли кафолатини тақдим этган тақдирда, бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан реализация қилишга ҳақли»;

учинчи — ўн еттинчи қисмлари тегишинча тўртинчи — ўн саккизинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

### 11) 65-моддаси:

**иккинчи қисмидаги «тўққизинчи» деган сўз «ўнинчи» деган сўз билан алмаштирилсин;**

**қуйидаги мазмундаги тўққизинчи ва ўнинчи қисмлар билан тўлдирилсин:**

«Ташқи бошқарувчи мол-мулкнинг бир қисмини кредиторлар йиғилишининг розилиги билан, харидор ўзига хизмат кўрсатувчи банкнинг тегишли кафолатини тақдим этган тақдирда, бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан реализация қилишга ҳақли.

Ташқи бошқарувчи арзонбаҳо ва тез ишдан чиқадиган мол-мулкни, шунингдек хом ашё ва тайёр маҳсулот қолдиқларини ташқи бошқарув жараёнида кредиторлар йиғилишининг розилиги билан, аукцион савдоси ўтказмасданоқ олди-сотди шартномалари асосида сотишга ҳақли»;

### 12) 77-моддасининг:

**биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Хўжалик суди банкротлик тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда айти шу суд томонидан ишончли шахс бошчилигида тугатиш комиссияси тузилади. Мол-мулкида давлат мулкнинг улуши бўлган қарздор банкрот деб эълон қилинган тақдирда, ишончли шахс бошчилигидаги тугатиш комиссиясини банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи тузади. Ишончли шахсни хўжалик суди томонидан тасдиқлаш ташқи бошқарувчини тайинлаш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади»;

**учинчи қисми қуйидаги мазмундаги учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар билан алмаштирилсин:**

«Мол-мулкида давлат мулкнинг улуши бўлган қарздор-банкрот тугатиш комиссиясининг энг кўп иш муддати, қоида тариқасида, бир йилдан ошиши мумкин эмас. Тугатиш комиссиясининг иш муддати алоҳида ҳолларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўпи билан яна олти ойга узайтирилиши мумкин.

Қарздор-банкротни тугатиш билан боғлиқ ишлар тугатиш комиссияси томонидан белгиланган муддатда тугалланмаган ва кредиторлар мол-мулкнинг бир қисмини қарзни қоплаш ҳисобига олишдан бош тортган тақдирда мол-мулкнинг реализация қилинмаган қисми қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат мулкига ўтади.

Тугатиш комиссиясининг хатти-ҳаракатлари устидан хўжалик судига шикоят қилиш мумкин»;

13) **80-моддаси** қуйидаги мазмундаги қисм билан тўлдирилсин:

«Қарздорнинг балансида белгиланганидан бошқа мақсадда ёки тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлмаган ижтимоий ва коммунал инфратузилма объектлари бўлган тақдирда, қарздор банкрот деб эълон қилинган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида тугатиш комиссиясининг қарори билан улар қолдиқ қиймати бўйича маҳаллий ҳокимият органларига берилади. Мазкур объектларни реализация қилишдан тушган маблағлар тугатиш массасига киритилади»;

14) **89-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари тўғрисида хўжалик судига ишончли шахс томонидан ҳисобот тақдим этилганидан сўнг агар мол-мулк эгаси икки ҳафталик муддат ичида кредиторларнинг талаблари қондирилганидан кейин қолган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари тўғрисида ариза бермаган бўлса, ишончли шахс бу хусусда маҳаллий давлат ҳокимияти органларини хабардор қилади»;

15) **127-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги ва (ёки) устав фондини шакллантирмаганлиги муносабати билан уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган қарздор-юримдик шахснинг мол-мулки қиймати кредиторларнинг талабларини қондиришга етарли бўлмаса, бундай юридик шахс ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда тугатилади. Шу билан бирга давлат юридик шахснинг кредитори бўлган тақдирда, юридик шахсни тугатиш қонун ҳужжатларида ана шу тоифадаги юридик шахслар учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда тугатиш комиссияси қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли чораларни кўриши учун давлат солиқ хизмати органларига мурожаат этиши шарт».

**XI. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сен-**



тябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил № 5—6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда):

1) 51-моддасининг биринчи қисмидаги «ғиёвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда сотиш (272-модданинг иккинчи қисми)» деган сўзлар «ғиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотиш (273-модданинг бешинчи қисми)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 73-моддаси тўртинчи қисмининг «г» бандидаги «шунингдек ғиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни озгинадан кўпроқ миқдорда ғайриқонуний равишда сотиш» деган сўзлар «шунингдек ғиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 111-моддасининг учинчи қисми санкциясидаги «ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) 131-моддаси:

биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мол-мулк мусодара қилиниб, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади»;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «уч йилдан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) 132-моддаси қуйидаги мазмундаги қисм билан тўлдирилсин:

«Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди»;

6) 167-моддаси биринчи қисмининг санкциясидаги «уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар «олти ойгача қамоқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 173-моддаси қуйидаги мазмундаги қисм билан тўлдирилсин:

«Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди»;

8) 176-моддаси биринчи қисмининг санкциясидаги «уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

9) 177-моддаси:

биринчи қисмининг диспозицияси «шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «беш йилгача» деган сўзлар «уч йилгача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмининг санкциясидаги «беш йилдан саккиз йилгача» деган сўзлар «беш йилгача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 180-моддаси қуйидаги мазмундаги қисм билан тўлдирилсин:

«Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди»;

11) 181-моддаси қуйидаги мазмундаги қисм билан тўлдирилсин;

«Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди»;

12) 184-моддаси қуйидаги мазмундаги қисм билан тўлдирилсин:

«Қасддан яширилган, камайтириб кўрсатилган фойдалар (даромадлар) бўйича солиқлар ва бошқа тўловлар тўлиқ тўланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди»;

13) 186<sup>1</sup>-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«186<sup>1</sup>-м о д д а. Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш

Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий

жазо қўлланилганидан кейин ёки анча миқдорда содир этилган бўлса, —

мол-мулк мусодара қилиниб, энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

г) хизмат лавозимини сунистеъмом қилиш йўли билан содир этилган бўлса, —

мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

мол-мулк мусодара қилиниб, ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

14) 187-моддаси:

**иккинчи қисмининг санкциясидаги** «уч йилгача озодликдан маҳрум ыилиш» деган сўзлар «олти ойгача қамоқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмининг санкциясидаги** «уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар «уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) 189-моддаси:

**иккинчи қисмининг санкциясидаги** «уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар «олти ойгача қамоқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмининг санкцияси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мол-мулк мусодара қилиниб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

16) 198-моддаси қўйидаги мазмундаги қисм билан тўлдирилсин:

«Етказилган моддий зарар уч карра миқдорда қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди»;

17) 205-моддаси иккинчи қисмининг санкциясидаги «беш йилдан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

18) 206-моддаси иккинчи қисмининг санкциясидаги «беш йилдан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

19) 228-моддаси биринчи қисмининг санкциясидаги «ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

20) 229<sup>1</sup>-моддасининг санкциясидаги «ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

21) 233-моддаси қўйидаги мазмундаги қисм билан тўлдирилсин:

«Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди»;

22) 257-моддаси:

биринчи қисмининг санкциясидаги «ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар «ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «беш йилдан саккиз йилгача» деган сўзлар «беш йилгача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23) 258-моддаси:

биринчи қисмининг санкциясидаги «ёхуд беш йилгача» озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар «ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «беш йилдан саккиз йилгача» деган сўзлар «беш йилгача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) 259-моддаси:

биринчи қисмининг санкциясидаги «ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар «ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «беш йилдан саккиз йилгача» деган сўзлар «беш йилгача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25) 260-моддаси:

биринчи қисмининг санкциясидаги «ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар «ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг санкциясидаги «беш йилдан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**

**учинчи қисмининг санкциясидаги «саккиз йилдан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**

**26) 262-моддаси:**

**биринчи қисмининг санкциясидаги «ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**

**иккинчи қисмининг санкциясидаги «уч йилдан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**

**учинчи қисмининг санкциясидаги «беш йилдан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**

**27) 266-моддаси:**

**биринчи қисмининг санкциясидаги «ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**

**иккинчи қисмининг санкциясидаги «уч йилдан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**

**учинчи қисмининг санкциясидаги «етти йилдан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**

**28) 272-моддаси чиқариб ташлансин;**

**29) 273-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

**«273-модда. Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш**

Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек уларни кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равишда ўтказиш —

олти ойгача қамоқ ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қилмишлар озгинадан кўпроқ миқдорда содир этилган бўлса, —

мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:

а) илгари гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ жойларида;

г) ўқув юртларида ёки ўқувчилар, студентлар ўқув, спорт ва жамоат тадбирларини ўтказадиган бошқа жойларда содир этилган бўлса, —

мол-мулк мусодара қилиниб, етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

